

67.99  
>к 86

М. Ҳ. ЖИЯНОВ

*Бир қанча жиноят содир  
этганлик учун жавобгарлик*


*ҲУҚУҚ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВРИАТ  
БОСҚИЧИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН  
ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА*

Фарғона — 2002

М. Ҳ. ЖИЯНОВ

БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛИК  
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

ҲУҚУҚ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВРИАТ  
БОСҚИЧИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН  
ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚўЛЛАНМА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР  
ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
(Ўқув қўлланма)**

**Муаллиф:** Жиянов М. Ҳ., юридик фанлари номзоди,  
доцент.

**Муҳаррир:** Раҳимов Й. Р., юридик фанлари доктори.

**Тақризчи:** Тоҳиров Ф., Тошкент Давлат юридик  
институти жиноят ҳуқуқи кафедраси мудир,  
юридикфанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий  
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш  
қарорига кўра нашрга тавсия қилинган.

## Муқаддима

Бир қанча жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Давлатимизнинг Жиноят кодекси Умумий қисмининг алоҳида (саккизинчи) боби бир қанча жиноят содир этиш муаммосига бағишланганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бир қанча жиноятлар муаммоси ҳуқуқшунослик соҳасида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш учун мўлжалланган намунавий ўқув режаларига мувофиқ жиноят ҳуқуқи фани доирасида ва махсус фан сифатида ўрганилиши назарда тутилган.

Мазкур ўқув қўлланмасида бир қанча жиноят содир этиш ва унинг шакллари — такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятлар учун жавобгарлик масалалари, уларнинг мураккаб ягона жиноятлардан фарқлари мустақил давлатимиз жиноят қонуни нормалари асосида ёритилган ва бу хусусда олдинги ҳуқуқий адабиётларда баён қилинган фикр-мулоҳазалар билан таққосланган.

Талабанинг назарий билимларини текшириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир бобнинг якунида назорат саволлари тузилган. Бундан ташқари, қўлланмада баён қилинган мавзунини талаба янада мукамалроқ ўзлаштириб олишига ёрдам бериш мақсадида тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати берилган.

Ушбу қўлланма ҳуқуқшунослик бўйича бакалаврият босқичида таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ундан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳам ўз фаолиятида фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлланма муаллифнинг кўп йиллар давомида бир қанча жиноят содир этиш хусусида эълон қилган илмий мақолалари асосида ёзилган.

Ушбу қўлланма мазкур мавзу юзасидан ўзбек тилида ёзилган биринчи қўлланма бўлганлиги туфайли айрим хато ва нуқсонлардан ҳоли эмас. Шунинг учун китобхонлар мазкур қўлланмани такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар юборсалар, биз миннатдор бўлар эдик.

Муаллиф

# I боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масалалари

Бир қанча жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқининг муҳим ва мураккаб масаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масаланинг муҳимлиги шундан иборатки, биринчидан, бир қанча жиноят содир этиш натижасида битта, ягона жиноят содир этишга қараганда жиноят ҳуқуқи воситасида қўриқланаётган ижтимоий муносабатларга кўпроқ ва жиддийроқ зарар етказилади. Иккинчидан, бир қанча жиноят содир этган шахс битта, ягона жиноят содир этган шахсга нисбатан жиддийроқ хавфга эга бўлади. Учинчидан, давлатимизда янги Жиноят кодексининг қабул қилиниши муносабати билан бир қанча жиноят содир этиш тушунчасига ҳам айрим ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилдики, бу мустақил Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиёти олдига қатор назарий ва амалий муаммоларни қўйди.

Бир қанча жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқининг мураккаб масалаларидан бири эканлиги шундан иборатки, у ўз тузилишига кўра бир неча оддий, ягона жиноятларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бир қанча жиноятга ҳуқуқий баҳо бериш оддий, ягона жиноятга баҳо беришга қараганда анча мушкул масала ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу муаммонинг мураккаблиги яна шундан иборатки, Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига қонун чиқарувчи бир қанча жиноят содир этишга умумий таъриф бермайди, балки унинг алоҳида шакллари — такроран жиноят содир этиш (ЖК нинг 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖК нинг 33-моддаси) ва рецидив жиноятлар (ЖК нинг 34-моддаси)га таъриф беради, холос. Бир қанча жиноят содир этишга умумий таъриф бериш ва унинг асосий белгиларини аниқлаш масаласини эса жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиёти ихтиёрига беради. Қолаверса, бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси жиноят ҳуқуқи фанининг ҳали атрофлича ўрганилмаган, мунозарали муаммолари сирасига киради.

Маълумки, жиноят ҳуқуқи фанининг асосий вазифаларидан бири амалдаги жиноят қонуни нормаларини қўллаш юзасидан илмий асосланган тавсиялар бериш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишдир. Ана шу нуқтаи назардан биз ҳам давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунида берилган бир қанча жиноят содир қилиш тушунчаси билан ҳуқуқий адабиётларда баён қилинган бир қанча жиноятлар тушунчаси ўртасидаги тафовут ва ўхшашликларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Биз мазкур муаммо юзасидан жиноят қонуни нормалари билан ҳуқуқий адабиётлардаги фикрларни солиштирар эканмиз, уларни иккита мезон асосида баҳоладик. Биринчи мезон бир қанча жиноят содир этишга хос бўлган умумий ҳуқуқий белгилар бўлса, иккинчи мезон бир қанча жиноятнинг шакллари дир.

Ҳуқуқий адабиётларда бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, А.М.Яковлевнинг фикрича, “бир қанча жиноий қилмишлар тушунчаси такрорийлик, рецидив ва жиноятлар мажмуи тушунчаларида аниқ мужассам бўлади”<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, А.М.Яковлев бир қанча жиноят содир этиш тушунчасини унинг шакллари санаб ўтиш орқали ёритиб берган. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, А.М.Яковлевнинг бу фикри Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига белгиланган бир қанча жиноят содир этиш тушунчасига мос келади.

Г.Т.Ткешелиадзенинг таъкидлашича, бир қанча жиноят содир этиш деганда шахс томонидан “икки ва ундан ортиқ жиноятларнинг” содир этилишини тушуниш керак<sup>2</sup>. П.С.Дагель эса бир қанча жиноят содир этиш деганда “бир неча жиноятларни” содир этишни назарда тутди<sup>3</sup>. Г.Т.Ткешелиадзе ва П.С.Дагеллар бир қанча жиноят содир этишга таъриф беришда фақатгина миқдорий кўрсаткичларга эътиборни қаратганликлари учун ҳам уларнинг таърифлари камчиликлардан ҳоли эмас. Гап шундаки, бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси миқдорий кўрсаткичлар (яъни кам деганда иккита жиноятни ўз ичига олиши)дан ташқари сифат кўрсаткичларига ҳам эга, бошқача қилиб айтганда, бир қанча жиноятларни

<sup>1</sup> Яковлев А.М. Совокупность преступлений. М., 1960, с.5

<sup>2</sup> Ткешелиадзе Г.Т. Ответственность при совокупности преступлений по советскому уголовному праву. Автореферат канд. дисс. Тбилиси, 1961, с.10

<sup>3</sup> Дагель П.С. Множественность преступлений. Владивосток, 1969, с.1



ташкил қилувчи ҳар бир жиноят ўзининг жиноий-ҳуқуқий ёки жиноий-процессуал аҳамиятини йўқотмаган бўлиши ва жиноий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиришга қодир бўлиши керак бўлади. Г.Т.Ткешелидзе ва П.С.Дагеллар ҳам бир қанча жиноят содир этишнинг шакллари сифатида такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи ва рецидив жиноятларни тан оладилар.

Е.А.Фролов ва Р.Р.Галиакбаровларнинг таърифлашича, бир қанча жиноятлар деганда “айнан бир шахс хулқ-атворида жиноят қонунида назарда тутилган бир неча ҳуқуқбузарликларнинг тўғри келиб қолиши”ни тушуниш зарур<sup>4</sup>. “Тўғри келиб қолиш” атамаси бир қанча жиноятларнинг асосан бир вақтда содир этилишини тақозо қилиши ва уларнинг турли вақтларда ҳам содир этилиши мумкинлигини истисно қилганлиги учун ҳам ҳуқуқий адабиётда адолатли танқидга учради<sup>5</sup>.

Совет жиноят ҳуқуқи назариясида бир қанча жиноятлар содир этишга берилган энг мукамал таъриф В.П.Малковга тегишлидир. Унинг фикрича, бир қанча жиноятлар деганда “судланган ёки судланмаганликдан қатъий назар, шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятни шу жиноятларнинг ҳеч бўлмаганда иккитаси юзасидан юридик оқибатлар мавжуд бўлган ҳолда

<sup>4</sup> Фролов Е.А., Галиакбаров Р.Р. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного права. Свердловск, 1967. с.8

<sup>5</sup> Қаранг: Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-ство Казанского университета. 1974. с.10-11.

эхуд жиноий таъқиб қилиш учун процессуал тўқинликлар бўлмаган ҳолда содир қилиш”<sup>6</sup> тушунилади.

В.П.Малковнинг мазкур таърифи жиноят ҳуқуқи мутахассисларининг кўпчилиги томонидан эътироф этилган ва собиқ совет жиноят ҳуқуқи назариясида XX асрнинг 70-80 йилларида ҳукмрон фикр сифатида қабул қилинган. Худди шундай таъриф Б.М.Леонтьев томонидан ҳам берилган<sup>7</sup>.

Бир қанча жиноятнинг шакллари юзасидан ҳам В.П.Малковнинг билдирган фикри собиқ совет жиноят ҳуқуқи назариясида ҳукмрон фикр сифатида эътироф этилган. Унинг фикрича, бир қанча жиноят содир этиш иккита шаклда: такрорийлик ва жиноятларнинг идеал мажмуида яққол намоён бўлади ҳамда бу икки тушунча тенг ва баравар тоифадаги юридик тушунчалар ҳисобланади<sup>8</sup>. Такрорийлик ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади: шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғланмаган такрорийлик ва шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғданган такрорийликка бўлинади. Шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғланмаган такрорийлик ҳам, ўз навбатида, бир неча марта жиноят содир этиш, муттасил равишда жиноят содир этиш, жиноят содир қилишни касб-кор қилиб олиш ва жиноятларнинг реал мажмуига бўлинади. Шахснинг илгари содир этган

<sup>6</sup> Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-ство Казанского университета. 1974. с. 11

<sup>7</sup> Советское уголовное право. Общая часть. Изд-во Московского университета. 1988. с. 200

<sup>8</sup> Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета. 1974. с. 19

жинояти учун судланганлиги билан боғланган такрорийлик эса рецидив деб аталади.

Бир қанча жиноятнинг шакллари юзасидан худди шундай тасниф Б.М.Леонтьев томонидан ҳам берилган<sup>9</sup>.

Юқоридаги келтирилган фикрларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, собиқ совет жиноят ҳуқуқи назариясида бир қанча жиноят содир этиш институти доирасида такроран жиноят содир этиш тушунчаси ниҳоятда кенг талқин қилинган ва ўз ичига такрорийлик, жиноятларнинг реал мажмуи ҳамда рецидив жиноят тушунчаларини ҳам қамраб олган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган жиноят қонунидаги бир қанча жиноят содир этиш институти талабларига зид келади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислари ҳам бир қанча жиноят содир этиш муаммоси юзасидан қатор тадқиқотлар олиб боришган. Масалан, жиноят ҳуқуқининг Умумий қисмига бағишланган дарсликда М.Усмоналиев томонидан берилган таърифга кўра, “Амалдаги жиноят қонунига биноан бир қанча жиноят содир этиш деб Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этиб, улардан бирортаси учун ҳали судланмаганлик ёхуд олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтмасдан

<sup>9</sup> Советское уголовное право. Общая часть. Изд-во Московского университета. 1988. с. 201

янги жиноят содир қилишга айтилади”<sup>10</sup>. Ушбу таърифни таҳлил қилар эканмиз, ундаги ”турли вақтларда” ва “янги жиноят содир қилиш” жумлалари бир қанча жиноятлар таркибига кирувчи жиноятларнинг идеал мажмуини истисно қилишини аниқлаймиз. Лекин муаллифнинг худди шу дарсликдаги бир қанча жиноятнинг шакллари юзасидан “Жиноятларнинг реал жами ҳам, идеал жами ҳам бир қанча жиноят содир қилиш тушунчасига киради”<sup>11</sup>, деб билдирган фикри унинг аксини исботлайди. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, бир қанча жиноят содир этишга умумий таъриф беришда жиноятларнинг идеал мажмуини характерловчи белгилардан бири ҳисобланган “бир вақтда” жумласини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар” муаллифларининг фикрича, “Бир қанча жиноят содир этиш жинойий-ҳуқуқий тушунча сифатида уни тавсифлайдиган қатор ҳуқуқий белгиларга эга. Бундай белгилар: 1) шахс томонидан икки ёки ундан кўпроқ жиноят содир этиш; 2) шахс томонидан турли вақтларда икки ёки ундан кўпроқ жиноят содир этиш; 3) ҳар бир содир этилган қилмишнинг жинойий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келишидан иборатдир”<sup>13</sup>.

Жиноят кодексига шарҳлар муаллифлари бир қанча жиноят содир этишнинг белгиларини аниқлар эканлар, бир қанча (икки ёки ундан ортиқ)

<sup>10</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., 1998. 156-б.

<sup>11</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., 1998. 172-б.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Тошкент. “Адолат”, 1997, 56-б.

жиноятларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам содир этилиши мумкинлигини истисно этадилар. Бошқача қилиб айтганда, улар жиноятларнинг идеал мажмуини бир қанча жиноятларнинг шакли сифатида тан олмайдилар, балки уни мураккаб таркибли жиноят деб ҳисоблайдилар<sup>14</sup>.

Биз Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар муаллифларининг бу фикрларига қўшила олмаймиз. Бизнинг фикримизча, жиноятларнинг идеал мажмуи ва жиноятларнинг реал мажмуи тушунчалари бир бўтун тушунча ҳисобланган жиноятлар мажмуи тушунчасининг тенг ҳуқуқли, баравар таркибий қисми ҳисобланади. Жиноятлар мажмуи тушунчаси ҳам, ўз навбатида, ўзидан кўра ҳам кенгроқ, умумлаштирувчи тушунча ҳисобланган бир қанча жиноят содир этишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жиноятларнинг идеал мажмуи жиноятларнинг реал мажмуи каби бир қанча жиноятнинг шакли эканлиги ҳақидаги фикримиз қуйидаги ҳолатлар билан асосланади:

1) ақл соҳиби сифатида табиат ва жамиятнинг объектив қонуниятларини ўз онгида акс эттира олиш қобилияти инсонга ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизликларининг ижтимоий аҳамиятини англаб олиш, уларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш имкониятини беради. Инсоннинг муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги бир эмас, бир неча оқибатларни келтириб чиқариши ҳам

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Тошкент. "Адолат", 1997, 57-б.

мумкин. Бундай оқибатлардан инсон ўзининг жиний мақсадлари йўлида фойдаланиши мумкин. Бунга А. исмли шахснинг содир қилган қилмиши яққол мисол бўла олади. У қасос олиш мақсадида С. исмли шахснинг уйига ўт қўяди ва ўша уйда С.нинг ногирон онаси Р.нинг яшашини ҳам билади ва унинг ўлимини истайди. Ушбу мисолда А. бир ҳаракати билан жиноят қонунида назарда тутилган иккита жиноят — одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) ва мулкни қасддан nobud қилиш (Жиноят кодексининг 173-моддаси) жиноятларини содир қилади.

Демак, инсон бир қилмиши билан икки ёки ундан ортиқ ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш имкониятига эга экан, қонун чиқарувчи ҳам унга қарши тегишли жиний-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаши лозим. Бундай қилмишни содир этган шахс эса битта жиноят содир этган шахсга қараганда қаттиқроқ жавобгарликка тортилиши лозим. Фақат шундагина жиноят қонунида белгиланган одиллик принципи (Жиноят кодексининг 8-моддаси) тантана қилади;

2) жиноятлар мажмуини фақат қилмишлар сони билан боғлаб (неча қилмиш бўлса, ўшанча жиноят бўлади деб ҳисоблаб), уни мураккаб таркибли жиноятлар сирасига киритиш жиноят қонуни мазмунига зид келади. Чунки қонун чиқарувчи қилмишнинг миқдорига қараб уни жиноят деб эълон қилмайди, балки муайян қилмиш айнан шу шаклда ижтимоий хавфга эга эканлиги учун ҳам уни жиноят деб топади ва унга қарши кураш бўйича

тегишли жиноий-ҳуқуқий воситаларни белгилайди. Шунинг учун ҳам жиноят қонунига кўра бир неча қилмишлар бир жиноят (масалан, давомли, узоққа чўзилган жиноят) деб топилиши, бир қилмиш эса бир неча жиноят (масалан, жиноятларнинг идеал мажмуи) деб топилиши мумкин;

3) қолаверса, ЖК нинг 33-моддасида жиноятлар мажмуи фақат турли вақтларда содир қилинган жиноятлардан ташкил топиши зарурлиги ҳақидаги қатъий қоида йўқ.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бир қанча жиноят содир этиш ҳуқуқий атамаси мавжуд бўлишига қарамай, қонун чиқарувчи унинг таърифини бермайди, балки бир қанча жиноят содир этишнинг алоҳида шаклларига таъриф бериш билан чекланади ҳамда уларни умумлаштирувчи тушунчани беришни жиноят ҳуқуқи фани ва тергов-суд амалиёти зиммасига юклайди.

Бизнинг фикримизча, бир қанча жиноят содир этишга таъриф беришда фақат уни тавсифловчи умумий белгиларни, балки бир қанча жиноят содир этишнинг алоҳида шаклларини бир-биридан фарқлашга ёрдам берадиган хусусий белгиларни ҳам назарда тутиш лозим. Бунда жиноят қонунда мустаҳкамланган такроран жиноят содир этиш (ЖК нинг 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖК нинг 33-моддаси) ва рецидив жиноят (ЖК нинг 34-моддаси) тушунчаларини асос қилиб олиш зарур. Давлатимизнинг жиноят

қонунида берилган ана шу учта таърифни синтез қилиб, бир қанча жиноят содир этишга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддасида ёки бир моддасининг битта қисмида ёки турли қисмида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган, жинойий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг бир вақтда ёки турли вақтларда бир шахс томонидан содир этилиши бир қанча жиноят содир этиш деб топилали.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда бир қанча жиноят содир этишнинг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини ажратиш мумкин.

1. Бир қанча жиноятлар миқдор кўрсаткичларига эга, яъни шахс (ёки шахслар) томонидан иккитадан кам бўлмаган (ундан ҳам кўп бўлиши мумкин) жиноят содир этилган бўлиши зарур. Бу, бир томондан, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи ҳар бир жинойий қилмиш Жиноят кодексининг 14-моддаси талабларига мувофиқ ягона жиноят деб тан олинishi зарурлигини билдирса ва ягона жиноятларни бир қанча жиноятлардан фарқлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик мақомига эга бўлган қилмишлар бир қанча жиноят содир этиш каби баҳоланмаслигини билдиради.

2. Бир қанча жиноятлар сифат кўрсаткичларига эга, яъни бир қанча жиноятлар таркибига кирувчи ҳар бир жиноят ўзининг жинойий - ҳуқуқий аҳамиятини йўқотмаган бўлиши ва жинойий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга



келтиришга қодир бўлиши зарур. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят қуйидаги ҳолларда ўзининг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини йўқотиши мумкин:


- а) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши муносабати билан;
- б) шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинганда;
- в) судланганлик ҳолатининг тугалланиши муносабати билан;
- г) судланганлик ҳолатининг олиб ташланиши муносабати билан;
- д) жиноят иштини қўзғатишга тўсқинлик қилувчи процессуал ҳолатларнинг мавжудлиги тугайли (масалан, жабрланувчининг шикоятни асосида қўзғатиладиган жиноий ишлар бўйича шундай шикоятнинг мавжуд бўлмаслиги, муайян жиноят иштини тўхтатиш бўйича чиқарилган қарор ёки ажримнинг бекор қилинмаганлиги кабилар);
- е) 66<sup>1</sup>-модда – ярашиш натижасида (айбдорнинг жабрланувчи билан ярашиши).

3. Бир қанча жиноят содир этишнинг асосий ҳуқуқий белгиларидан яна бири шундан иборатки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг ҳар бири айнан бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан содир этилади. Бошқача қилиб айтганда, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи жиноий қилмишларни бир-бирига боғлаб турувчи умумий элемент сифатида, жиноят субъекти тан олинади.

4. Бир қанча жиноятларнинг айрим турларини бир-биридан фарқлашга ёрдам берувчи белгилардан яна бири вақт ҳамдир. Амалдаги жиноят қонуни мазмунига кўра бир қанча жиноятлар турли даврларда ёки бир вақтда ҳам содир этилиши мумкин. Такрорий жиноятлар, рецидив жиноятлар ва жиноятларнинг реал мажмуи бўйича жиноятларнинг турли даврларда содир этилиши талаб қилинса, жиноятларнинг идеал мажмуини бир вақтда бир қилмиш билан содир қилинган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар ташкил қилади.

5. Қонун чиқарувчи бир қанча жиноят содир қилганлик учун жавобгарлик асосларини белгилар экан, жиноят тушунчасини кенг талқин қилади ва жиноят деганда нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш (ЖК нинг 25-моддаси) ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноят (ЖК нинг 27-моддаси) ларни ҳам назарда тутати.

6. Бир қанча жиноят содир этиш ижтимоий ҳодиса сифатида турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунида бир қанча жиноят содир этишнинг учта шакли белгиланган. Булар такроран жиноят содир этиш (ЖК нинг 32-моддаси), жиноятлар мажмуи (ЖК нинг 33-моддаси) ва рецидив жиноят (ЖК нинг 34-моддаси) лардир. Бир қанча жиноят содир этишнинг юқорида санаб ўтилган шакллари жиноят қонуни Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг турли мезонлар



25.10.45

асосида бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин. Масалан, такроран содир этилган жиноятлар ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятларнинг бирикувидан ҳосил бўлиши мумкин.

Жиноятлар мажмуи эса ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг бирикувидан юзага келиши мумкин.

Рецидив жиноят, ўз навбатида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида ёки битта моддасининг турли қисмларида ёхуд турли моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг бирикувидан юзага келиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масалалари” боби бўйича такрорлаш учун назорат саволлари:

1. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчасига таъриф бering?
2. Бир қанча жиноят содир этишнинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг?
3. Бир қанча жиноят содир этишнинг қандай шакллари бор?
4. Бир қанча жиноятларнинг ҳуқуқий оқибатларини санаб бering?

5. Бир қанча жиноятлар қандай жиноятларнинг бирикувидан ҳосил бўлади?
6. Судланганликнинг бир қанча жиноятларга қандай алоқаси бор?
7. Қилмишнинг жинойий-ҳуқуқий аҳамияти деганда нимани тушунасиз?
8. Тамом бўлмаган жиноят ва жиноятда иштирокчилик тушунчаларининг бир қанча жиноят содир этиш тушунчасига қандай алоқаси бор?

## II боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мураккаб

### ягона жиноят тушунчаси ва турлари

#### 1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА

#### МУРАККАБ ЯГОНА ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ

Бир қанча жиноятлар тушунчасини тўғри англаб олиш учун, авваломбор “ягона жиноят нима?” — деган саволга жавоб бериш даркор. Чунки бир қанча жиноятлар икки ёки ундан ортиқ ягона жиноятларнинг бирикувидан юзага келади. Шунинг учун ҳам энди эътиборни мураккаб ягона жиноят тушунчасига қаратсак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ жиноят қонуни “билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”. Жиноят қонунининг ушбу моддасида берилган жиноятнинг умумий таърифи уни ҳуқуқбузарликнинг бошқа турларидан фарқлаш учун зарур бўлган белгиларга эга. Аммо ушбу таъриф қайси муайян жиноий қилмиш содир қилинган ва у ЖК нинг қайси моддаси (ёки тегишли моддасининг қисми) бўйича квалификация қилиниши керак деган саволга жавоб бера олмайди. Муайян қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини аниқлаш учун Жиноят кодекси Махсус қисми қоидаларига

(мазкур қонуннинг Умумий қисми қоидаларини ҳам инобатга олган ҳолда) муурожаат қилиш зарур, чунки Махсус қисм бир моддасида ёки бир моддасининг қисмида муайян жиноятга таъриф берилган.

Жиноят қонунининг 14-моддасида берилган жиноят таърифи ва мазкур қонуннинг Махсус қисми бир моддаси (ёки бир моддасининг қисми)да ифода этилган муайян жиноят тушунчаси фалсафий нуқтаи назардан умумий ва хусусий муносабатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Махсус қисмнинг бир моддасида ёки бир моддасининг тегишли қисмида ифода этилган муайян жиноят бир вақтнинг ўзида жиноят қонуни билан тақиқланган барча ижтимоий хавфли қилмишларга хос бўлган умумий белгиларга ва фақат унинг ўзига хос бўлган хусусий белгиларга эга бўлади. Қонун чиқарувчи муайян қилмишни ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога сазовор қилмиш сифатида жиноят қонуни Махсус қисмининг у ёки бу моддаси (ёки тегишли моддасининг қисми)да ифода этар экан, у ушбу қилмишни ягона тамом бўлган жиноят деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми ҳар бир моддаси (алоҳида ҳолатларда бир моддасининг тегишли қисми ҳам) битта, ягона тамом бўлган жиноятга (Умумий қисм қоидаларини назарда тутган ҳолда) бағишлагандир.

Ягона жиноят тушунчаси юзасидан жиноят ҳуқуқи мутахассислари ўртасида яқдил фикр йўқ. Лекин сўнгги ўттиз йил ичида кўпчилик олимларнинг эътиборини қозонган фикр В.Н.Кудрявцев томонидан берилган.

У ягона жиноятга таъриф беришда иккита нарсага — расмий шакл ва моддий мазмунга эътиборни қаратади. У расмий шакл нуқтаи назаридан ягона жиноятни бир жиноят таркиби белгиларини ўз ичига олган қилмиш, деб таърифласа, моддий мазмун нуқтаи назаридан ягона жиноят деганда ўйфун бирликни ташкил қиладиган, айнан шу шаклда катта ижтимоий хавфга эга бўлган ва кенг тарқалган, такрорланиш хусусияти билан ажралиб турадиган хулқ-атворни тушунади<sup>16</sup>.

Биз ҳам В.Н.Кудрявцевнинг фикрига қўшилган ҳолда, унинг ягона жиноятга берган таърифи мазкур тушунча юзасидан олиб борилган изланишларнинг ижобий томонларини ўзида мужассамлаштирганини таъдиклаб ўтмоқчимиз.

Юридик адабиётларда ягона жиноятларни оддий ва мураккаб турларга ажратиш қабул қилинган. Оддий ва мураккаб жиноятларни бир-биридан фарқлашда уларнинг тузилиш шакли асос қилиб олинади. Оддий ягона жиноят деганда айбнинг бир шаклида жиноят ҳуқуқи воситасида муҳофаза қилинадиган бир объектга битта зарар етказадиган бир қилмиш тушунилади<sup>17</sup>. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисми “А” бандида кўрсатилган киссавурлик жинояти оддий ягона жиноятга мисол бўла олади. Чунки киссавурлик айбнинг бир шаклида

<sup>16</sup> Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. -М.: 1972. -с. 278-282.

<sup>17</sup> Кузнецова Н.Ф. Значение преступных последствий для уголовной ответственности. -М.: 1958. с.79. Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-во. Казанского университета. 1974. -с.88. Советское уголовное право. Общая часть. Изд-во. Московского университета. 1988. -с.197

(қасддан) жиноят қонуни томонидан муҳофазат қилинадиган бир объект (ўз вақтинги эҳди)га битта (моддий) зарар etkazadigan бир қилмиш (фаол ҳуқуқ-атвор ҳисобланган ҳаракат) билан содир этилади.

Жиноят ҳуқуқи назарда ягона мураккаб ягона жиноятлар тушунчаси ҳар хил талқин қилинади. Н.Ф.Кузнецованинг фикрича, мураккаб жиноятларга ё бир неча ҳаракатлардан иборат ёхуд ҳар бири мустақил аҳамиятга эга бўлмаган бир неча майда зарарларни (чирчиғирган жиний оқибатли ёки алоҳида усулда ягона зарар etkazadigan ёхуд амаллар) ҳар икки хил шаклида иккита зарар etkazadigan жиний қилмишлар кирди<sup>18</sup>. А.С.Никифоров эса мураккаб жиноятларга турли жиний ҳаракатларни бириктирадиган ёки уларни тақозо қиладиган жиноятларни киритади<sup>19</sup>. А.А.Гершензон ва В.Н.Кудрявцевлар эса мураккаб жиноятларнинг асосий хусусиятлари сифатида ё жиний ҳаракатларнинг кўп миқдорда бўлишини ёхуд жиний оқибатларнинг кўп миқдорда бўлишини кўрсатдилар<sup>20</sup>.

Юқорида баъзи бир ҳақиқат юридик адабиётларда<sup>21</sup> баён қилинган мураккаб ягона жиноятлар хусусидаги фикрларни таҳлил қилсак, уларда, асосан, мураккаб ягона жиноятларнинг турлари ҳақида сўз юритилаётгани ва мазкур тушунчанинг таърифи берилмаганини аниқлаймиз.

<sup>18</sup> Кузнецова Н.Ф. Изучение преступлений в составе для уголовной ответственности. М., 1958. - с.79.

<sup>19</sup> Никифоров А.С. Совокупность преступлений. - М.: 1965. - с.15.

<sup>20</sup> Гершензон А.А. Квалификация преступлений. - М.: 1947. - с.15. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. - М.: 1972. - с.283.

<sup>21</sup> Масалан, жиноят ҳуқуқи соҳасида мураккаб зарарли ҳисобланган Советское уголовное право. Общая часть. Изд. во. Московского университета. 1966. - с.127.



Бизнинг фикримизча, жиноят ҳуқуқи фанида олиб борилган тадқиқотларни синтез қилиб, мураккаб ягона жиноятга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Жиноят қонуни Махсус қисми битта моддасида ёки битта моддасининг қисмида (Умумий қисм қондаларини назарда тутган ҳолда) ифода этилган муайян жиноятнинг таркибидаги белгилардан ҳеч бўлмаганда биттаси икки ёки ундан ортиқ бўлса, бундай ижтимоий хавфли, ҳуқуққа ҳилоф, айбли ва жазога сазовор қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) мураккаб ягона жиноят деб топилади.

Демак, жиноятнинг оддий ёки мураккаб эканлиги унинг таркиби қонун чиқарувчи томонидан қандай тузилганлигига қараб ҳал қилиниши лозим. Агар бир жиноят таркибининг ҳар бир белгиси биттадан иборат бўлса, бундай қилмиш оддий жиноят деб қаралиши лозим. Аксинча, бир жиноят таркибининг бирорта белгиси (ёки бир неча белгилари) икки ёки ундан ортиқ бўлса, бундай қилмиш мураккаб жиноят деб қаралиши лозим. Тегишли жиноят таркибининг қайси белгиси (ёки белгилари) икки ёки ундан ортиқ бўлиши масаласи муайян ижтимоий хавфли, ҳуқуққа ҳилоф, айбли ва жазога сазовор қилмишнинг ўзига хос хусусиятлари инobatта олинган ҳолда қонун чиқарувчи томонидан ҳал қилинади.

Юқорида берилган таъриф асосида мураккаб жиноятларнинг алоҳида гурларини таҳлил қилсак, таркибли жиноятларда объект, муқобил

ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятларда қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), қўшимча оғир оқибатлар келтириб чиқарадиган жиноятлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мураккаб айбли жиноят деб юритилади) да айб шакли, маъмурий тартибда таъқиб қилингандан сўнг қайта содир этилганда жиноятга айланадиган жиноятларда қилмиш, узоққа чўзилган ва давомли жиноятларда объектив томон (қилмиш ва унинг содир этилиш вақти) тегишли жиноятлар таркибида кам деганда иккита ёки ундан кўп бўлади.

Мураккаб ягона жиноятларни таснифлаш масаласига келсак, бу соҳада ҳам назарийчилар ўртасида фикрлар яқдил эмас. Н.Ф.Кузнецова бундай жиноятларнинг турлари сифатида таркибли жиноятлар, икки ҳаракат билан содир қилинадиган жиноятлар, узоққа чўзилган жиноятлар, давомли жиноятлар ва оғир оқибатлар келтириб чиқарадиган жиноятларни кўрсатса<sup>22</sup>, В.П.Малков ва Б.М.Леонтьевлар юқоридаги рўйхатга муқобил ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятлар ва такрорий ҳаракатлар асосида содир этиладиган жиноятларни ҳам қўшадилар<sup>23</sup>.

Хўш, мустақил Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида бу масала қандай ҳал қилинган? Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчиси мазкур муаммога янгича ёндашади ва мураккаб ягона жиноятларнинг уч тоифаси — давомли жиноятлар (ЖК нинг 32-моддаси учинчи қисми), узоққа чўзилган

<sup>22</sup> Кузнецова Н.Ф. Значение преступных последствий для уголовной ответственности. М., 1958. с.79.

<sup>23</sup> Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета, 1974. с. 91. Советское уголовное право. Общая часть. Изд-во. Московского университета. 1988. -с.197.

жиноятлар (ЖК нинг 32-моддаси тўртинчи қисми) ва мураккаб айбли  
жиноятлар (ЖК нинг 23-моддаси) га қонун даражасида таъриф беради.  
Мураккаб жиноятларнинг қолган турлари (таркибли жиноятлар, муқобил  
ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятлар, маъмурий тартибда таъқиб  
қилингандан сўнг қайта содир этилганда жиноятга айланадиган ижтимоий  
хавfli қилмишлар) ни аниқлаш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш масаласини  
жиноят ҳуқуқи назарияси ҳамда тергов ва суд амалиёти ихтиёрига ҳавола  
қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчиси мураккаб ягона  
жиноятларнинг юқорида зикр этилган уч тоифасига таъриф бериб, жиноят  
ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиётида ҳукм суриб келаётган бир қатор  
баҳсли муаммоларни қонун даражасида ҳал қилиб берди. Биринчидан,  
давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар ўзларининг ҳуқуқий табиатига кўра  
ягона жиноятлар сирасига кириши, шунинг учун ҳам бир қанча жиноят содир  
этишнинг шакли бўла олмаслигини қонуний мустаҳкамлади. Иккинчидан,  
давлатимизнинг янги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар  
суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья давомли ва узоққа чўзилган  
жиноятларга ҳуқуқий баҳо беришда жиноят ҳуқуқи фани ютуқлари ва Олий  
Суд Пленуми қарорларига таянган бўлса, энди давлатимиз қонун  
чиқарувчиси мазкур жиноятларнинг қонуний таърифини бериб, тергов ва суд  
амалиётида йўл қўйилаётган хато ва қамчиликларни бартараф этиш юзасидан

меъерий талаблар қўйди. Учинчидан, мураккаб жиноятлар муаммоси бир қанча жиноят содир этиш институти доирасида ўрганилиши мақсадга мувофиқ эканлигини белгилаб берди. Тўртинчидан, давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар таърифида берилган “бир жиноят таркиби” сўз бирикмасини фарқлашда жиноят таркибининг тузилиши асос қилиб олиниши зарурлигини белгилаб берди. Қонун чиқарувчимизнинг бу хусусдаги хулосаси фалсафанинг умумий ва хусусий тоифалари қондаларига асосланган. Хулоса қилиб айтганда, мураккаб ягона жиноятлар муаммоси давлатимиз жиноят ҳуқуқининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва жиноятчиликка қарши кураш юзасидан самарали жиноий-ҳуқуқий воситаларни аниқлаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Энди мураккаб ягона жиноятларнинг алоҳида шаклларини бир қанча жиноятлардан, хусусан такрорий жиноятлар ва жиноятлар мажмуидан фарқлаш масаласига алоҳида тўхталсак, чунки айнан шу масалада тергов-суд идоралари фаолиятида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

## **2-§. ДАВОМЛИ ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ**

Такроран содир этилган жиноятни давомли жиноятдан фарқлаш масаласи нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки содир этилган қилмишни давомли ёки такроран содир этилган жиноят деб тан олиш натижасида турли жиноий-ҳуқуқий ва жиноий-процессуал оқибатлар юзага келади. Яъни қилмишни квалификация қилиш,

жинойй жавобгарликка тортиш муддатларини белгилаш, жиноят ишининг ҳудудий жиҳатдан терговга ёки судловга тегишлилигини аниқлаш, жазо тайинлаш каби масалалар турлича ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, “умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган жиноят” давомли жиноят деб тан олинади. Ушбу таърифдан келиб чиққан ҳолда, давомли жиноятнинг белгиларини шартли равишда объектив ва субъектив белгиларга ажратиш мумкин.

Жиноят қонунига мувофиқ, давомли жиноятнинг объектив белгилари куйидагилардан иборат: миқдорий жиҳатдан давомли жиноят кам деганда икки ёки ундан ортиқ қилмишни ўз ичига олади, ҳар иккала ёки ундан ортиқ қилмиш ҳам жиноят қонуни билан қўриқланадиган бир объектга қарши қаратилган бўлади. Давомли жиноятни ташкил қилувчи биринчи қилмиш билан кейинги қилмишлар ўртасида маълум фурсат ўтади, яъни давомли жиноят вақт нуқтаи назаридан узлуксиз давом этмайди. У тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлиб, уни ташкил қилувчи ҳар бир қилмиш мустақил жиноятни ташкил қилмайди, балки биринчи қилмишнинг давоми, босқичи, бўғини ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳали тугалланмаган жиноятнинг давоми бўлади. Шунинг учун ҳам мустақил равишда, алоҳида

квалификация қилинмайди. Содир этилган бир-бирига ўхшаш бир неча жиной қилмишлар натижасида умумий бир бутун ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқади. Ижтимоий хавфли оқибат билан жиной қилмишлар ўртасида чамбарчас сабабий боғланиш мавжуд бўлади. Ушбу қилмишлар жиноят қонунига мувофиқ тузилиши жиҳатидан бир жиноят таркиби билан қамраб олинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига мувофиқ давомли жиноят ўзининг объектив хусусиятларига кўра бир бутун, ягона мураккаб жиноят ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят қонуни Махсус қисмининг битта моддаси ёки бир моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади.

Давомли жиноятни ташкил қилувчи жиной қилмишларнинг умумий қасд билан қамраб олиниши ва ягона мақсадга йўналтирилганлиги давомли жиноятнинг субъектив белгиларини ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда, давомли жиноятни ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиной қилмишлар ўртасида нафақат объектив боғлиқлик, балки уларни бир-бирига чамбарчас боғлаб турувчи субъектив, ички боғлиқлик ҳам мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддаси учинчи қисмида давомли жиноятга таъриф берилиб, жиноят ҳуқуқи назариясида ҳукм суриб келган давомли жиноятнинг ҳуқуқий табиати хусусидаги мунозара,

баҳс ва тортишувларга чек қўйилди. Шу туфайли тергов ва суд амалиётида давомли жиноятларни квалификация қилишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун қонуний шароит яратиб берилди.

Маълумки, жиноят ҳуқуқи назариясида давомли жиноятнинг ҳуқуқий табиати масаласида фикр ва мулоҳазалар яқдил эмас. Бу хусусда назариётчиларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифадаги назариётчиларнинг фикрича, давомли жиноят ягона, бир бутун мураккаб жиной қилмишни ташкил этади<sup>24</sup>. Иккинчи тоифанинг фикрича, давомли жиноят жиноятлар мажмуининг шакли сифатида тан олинishi зарур<sup>25</sup>. Учинчи тоифадаги олимларнинг таъкидлашича, давомли жиноят айрим ҳолатларда ягона жиноят ҳисобланса, бошқа ҳолатларда жиноятлар мажмуининг шакли сифатида ҳам тан олинishi мумкин<sup>26</sup>.

Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи органининг давомли жиноятнинг ҳуқуқий табиати хусусидаги позициясини юқорида келтирилган уч тоифадаги назариётчиларнинг шу соҳадаги фикр-мулоҳазалари билан солиштирамиз. Биринчи тоифадаги олимларнинг фикрлари давомли жиноятнинг объектив белгилари бўйича бизнинг қонунларимиз позициясига

<sup>24</sup> Таганцев Н.С. Курс русского уголовного права, Часть общая, Кн. 1, Спб, 1878, стр. 264. Его же, Русское уголовное право, часть общая, т. 2, Спб, 1902, стр. 1287-1297. Сергеевский Н.Д. О значении причинной связи, Ч. 1 и Ч. 2, Ярославль, 1880, стр. 154. Его же, Русское уголовное право, Пособие к лекциям, Часть общая, Изд. 4, 1900, стр. 314. Учебник уголовного права проф. Кадимкова П.Д. изданный А.Любавским. Часть общая, Спб. 1866, стр. 382. А.Лохвицкий, Курс русского уголовного права, Спб, 1868, стр. 186-187. А.Фон Резон, О продолжаемом преступлении, Журнал гражданского и уголовного права, Книжка первая, 1875, стр. 1-50.

<sup>25</sup> Кистяковский А. Элементарный учебник общего уголовного права, Часть общая, Изд. 3, Киев, 1891. стр. 593.

<sup>26</sup> Анд. Ант. Пионтковский, Уголовное право, Пособие к лекциям, Часть общая, Вып. 2, Казань, 1916, стр. 188

мос келишини, лекин мазкур турдаги жиноятларнинг субъектив белгилари, хусусан, айб шакли бўйича уларнинг нуқтаи назарлари бир-бирига тўғри келмаслигини, ўртада айрим тафовутлар мавжудлигини аниқлаймиз. А.М.Яковлев<sup>27</sup> ва В.П.Малковларнинг<sup>28</sup> фикрича, давомли жиноят айбнинг ҳар икки шаклида — қасддан ҳам, эҳтиётсизлик натижасида ҳам содир этилиши мумкин. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчиси Жиноят кодексининг 32-моддаси 3-қисмида “умумий қасд” ва “ягона мақсад” иборалари орқали давомли жиноят фақат тўғри қасддан содир этилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, давомли жиноят ўзининг субъектив белгиларига кўра ягона мақсадга йўналтирилган бўлади ва фақат тўғри қасддан содир этилиши мумкин.

Энди иккинчи ва учинчи тоифадаги юрист олимларнинг давомли жиноятнинг ҳуқуқий табиати хусусидаги фикр-мулоҳазаларини давлатимизнинг амалдаги Жиноят кодекси тегишли моддаларига таққосласак, улар ўртасида кескин фарқ борлигини аниқлаймиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ давомли жиноят ягона, бир бутун мураккаб жиноят деб тан олиниб, битта жиноят таркиби бўйича квалификация қилинса ва шунинг учун ҳам бир қанча жиноят содир этиш

<sup>27</sup> Яковлев А. М. Совокупность преступлений по советскому уголовному праву, М., 1960, стр. 26.

<sup>28</sup> Малков В. П. Повторность преступлений, Изд-во. Казанского университета 1970, с. 85



таркибига киритилмаган бўлса, юқорида зикр этилган назариячиларнинг фикри аксинча бўлиб, давомли жиноят бир қанча жиноят содир этиш таркибига жиноятлар мажмуунинг шакли сифатида киритилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, давомли жиноят ўз хусусиятлари жиҳатидан бир бутун, ягона мураккаб жиноят ҳисобланса, такроран жиноят содир этиш эса бир қанча жиноят содир этишнинг шакли деб тан олинади. Шунинг учун ҳам улар турли жиний-ҳуқуқий ва жиний-процессуал оқибатларни келтириб чиқаради.

### 3-§. УЗОҚҚА ЧЎЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Узоққа чўзилган жиноятни такрорий жиноятлардан фарқлаш масаласи ҳам нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки содир этилган қилмишни узоққа чўзилган ёки такроран содир этилган жиноят деб тан олиш натижасида турли жиний-ҳуқуқий ва жиний-процессуал оқибатлар юзага келади, яъни қилмишни квалификация қилиш, жиний жавобгарликка тортиш муддатларини белгилаш, жиноят ишининг ҳудудий жиҳатдан терговга ёки судловга тегишлилигини аниқлаш, жазо тайинлаш каби масалалар турлича ҳал қилинади.

Маълумки, 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар узоққа чўзилган жиноятларнинг

ҳуқуқий табиати хусусида фақатгина жиноят ҳуқуқи назарияси ва суд амалиёти даражасидагина сўз юритиш мумкин эди. Бошқача қилиб айтганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд узоққа чўзилган жиноятларга ҳуқуқий баҳо беришда жиноят ҳуқуқи фани ютуқлари ва Олий Суд Пленуми қарорларига таянган ҳолда иш кўрар эди. Тегишли ҳуқуқий норманинг йўқлиги ҳуқуқий адабиётда, тергов ва суд амалиётида турли мунозаралар ва талқинларга сабаб бўлар, узоққа чўзилган жиноятларни турлича квалификация қилишга шароит яратиб берар эди. Қонунчиликдаги бу нуқсонни тўғри англаган Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчиси Жиноят кодексида узоққа чўзилган жиноятга таъриф бериб, тергов ва суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун қонуний шароит яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ “Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди”. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчиси ушбу моддада узоққа чўзилган жиноят “такроран содир этилган деб топилмайди” деган жумла билан узоққа чўзилган жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўла олмаслигини, шунинг учун ҳам унга ягона, бир бутун жиноят сифатида қараш зарурлигини назарда тутди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жиноят ҳуқуқи назариясида ягона жиноятларни оддий ва мураккаб таркибли жиноятларга бўлиш қабул қилинган. Оддий таркибли ягона жиноятлар билан мураккаб таркибли ягона жиноятларнинг ўхшашлик томони шундан иборатки, ҳар иккаласи ҳам жиноят қонуни нуқтаи назардан мустақил, битта, ягона жиноят таркиби билан қамраб олинади. Шунинг учун ҳам Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир моддаси ёки бир моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Оддий таркибли ягона жиноят билан мураккаб таркибли ягона жиноятнинг бир-биридан фарқи шундан иборатки, оддий таркибли ягона жиноят элементларининг ҳар бири яна бошқа бўлақларга бўлинмасдан, миқдорий жиҳатдан биттадан иборат бўлади. Масалан, шахс жабрланувчининг сумкасида яширин равишда унинг қимматбаҳо тақинчоқларини талон-тарож (киссавурлик, ЖК нинг 169-моддаси иккинчи қисми) қилади. Ушбу мисолда жиноят бир объектга — жабрланувчининг мулкига қарши қаратилган, қилмиш шахснинг фаол хулқ-атвори (ҳаракат) билан содир этилган, қилмиш натижасида бир жинойий оқибат - мулкий зиён юзага келган, қилмиш айбнинг бир шакли — қасддан содир этилган, мураккаб таркибли ягона жиноятнинг эса у ёки бу элементи яна бошқа бир-бирига узвий ва чамбарчас боғланган бўлақ, бўғин ёки босқичларга парчаланиб кетади.

Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонуни Махсус қисмида узоққа чўзилган жиноятларнинг муайян турларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар талайгина. Волга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК нинг 122-моддаси), ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик (ЖК нинг 148-моддасининг биринчи қисми), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК ЖК нинг 203-моддаси), ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖК нинг 225-моддаси), маъмурий назорат қондаларини бузиш (ЖК нинг 226-моддаси), суд қарорини бажармаслик (ЖК нинг 232-моддаси), жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифасини бажаришдан бўйин товлаши (ЖК нинг 240-моддаси), жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш (ЖК нинг 241-моддаси), ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш (ЖК нинг 287-моддаси), дезертирлик (ЖК нинг 288-моддаси), ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (ЖК нинг 290-моддаси) каби жиноятлар узоққа чўзилган жиноятларга мисол бўла олади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида кўпчилик олимлар узоққа чўзилган жиноятларни мураккаб таркибли ягона жиноятлар сирасига киритадилар<sup>29</sup>. Суд амалиётида узоққа чўзилган жиноятга нисбатан “мураккаб таркибли жиноят” деган атама қўлланилмаса-да, Олий Суд Пленуми қарорлари

<sup>29</sup> Кудряцев В.Н. Общая квалификация преступлений. М., 1972, с.3-4-308. Малков В.П. С совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета, 1974, с.114-115. Советское уголовное право. Общая часть. М., 1988, с.198.

мазмунидан узоққа чўзилган жиноят мураккаб таркибли жиноят эканлиги англашилади<sup>30</sup>.

Узоққа чўзилган жиноятлар мураккаб таркибли ягона жиноятнинг шакли сифатида жиноят субъектининг узоқ вақт мобайнида ўз зиммасига амалдаги қонун ҳужжатлари асосида юклатилган вазифаларини узлуксиз равишда бажармаслиги билан характерланади. Юқорида келтирилган мураккаб таркибли жиноятлар ҳақидаги қондани узоққа чўзилган жиноятларга нисбатан қўллайдиган бўлсак, узоққа чўзилган жиноятларда жиноят таркибининг асосий элементларидан бири ҳисобланган объектив томоннинг, аниқроғи, унинг таркибий қисмлари ҳисобланган қилмиш ва вақтнинг “мураккаблашуви” юз беради. Қилмишнинг “мураккаблашуви” юклатилган вазифаларни жиноят субъекти томонидан узлуксиз равишда бажармасликда намоён бўлади, яъни жиноятчи бугун ҳам, эртага ҳам, индинга ҳам, то ваколатли давлат идоралари томонидан ушлагунга қадар ёки айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилгунга қадар ўз вазифасига нисбатан ҳаракатсизлик содир этаверади. Бошқача қилиб айтганда, узоққа чўзилган жиноятларда жиноятчи бугун ўз вазифасини бажармасдан, эртага ушбу вазифасини уддалаши ва индинга яна уни бажармасдан қўйиши мумкин эмас. Жиноят узлуксиз, тўхтовсиз фаолият давомида содир этилиши лозим. Масалан, дезертирлик жиноятида жиноятчи ўз ҳарбий қисми ёки хизмат

<sup>30</sup> “Узоққа чўзилган ва давомли жиноятларга нисбатан жиний жавобгарликка тортиш муддатлари ва амнистияни қўллаш шартлари ҳақида”ги СССР Олий Суди Пленумининг 14.03.1963 й. даги Қарори. М., 1981, 76-б.

жойига қайтиш вазифасини бажармайди. У ўз ҳаракатсизлиги билан дезертирлик неча кун ёки ой давом этмасин, тўхтовсиз, узлуксиз равишда бир жиний фаолиятни амалга ошираверади.

Жиний фаолиятнинг тўхтовсиз, узлуксиз давом этиши билан узоққа чўзилган жиноятлар такроран содир этилган жиноятлар ва давомли жиноятлардан фарқланади.

Энди узоққа чўзилган жиноятларда вақтнинг “мураккаблашуви” масаласига келсак, узоққа чўзилган жиноятлар мураккаб таркибли ягона жиноятнинг шакли сифатида оддий таркибли ягона жиноятларга қараганда кўпроқ, узоқроқ вақт мобайнида содир этилиши билан характерланади. Масалан, юқорида келтирилган киссавурлик жинояти ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖК нинг 225-моддаси), жиноят ҳақида ябар бермаслик ёки уни яшириш (ЖК нинг 241-моддаси), ишга тиклаш ҳақидаги суд қарорини бажармаслик (ЖК нинг 148-моддасининг биринчи қисми) каби жиноятларга қараганда анча қисқа муддат давомида содир этилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вақт узоққа чўзилган жиноятлар таркибининг мажбурий белгиси ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, узоққа чўзилган жиноятлар билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилиш жараёнида албатта жиноят содир этиш вақтини аниқлаш лозим, акс ҳолда қилмишни узоққа чўзилган жиноят деб тан олиб бўлмайди.

Амалдаги жиноят қонуни нуқтан назаридан узоққа чўзилган жиноятлар шахснинг фаол хулқ-атвори (ҳаракати) билан ҳам, сушт хулқ-атвори (ҳаракатсизлиги) билан ҳам содир этилиши мумкин. Шахснинг фаол хулқ-атвори билан содир этиладиган узоққа чўзилган жиноятларга ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, дезертирлик, ўзининг бирон аъзосини майиб қилиш йўли билан ҳарбий хизматдан бўйин товлаш каби жиноятлар мисол бўла олади. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ишга тиклаш ҳақидаги суд қарорини бажармаслик, жиноят ҳақида хабар бермаслик, суд қарорини бажармаслик каби жиноятлар жиноят субъектининг сушт хулқ-атвори туфайли содир этилади. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш шахснинг ҳам фаол хулқ-атвори (маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, ЖК 226-моддаси иккинчи қисмининг “А” банди), ҳам сушт хулқ-атвори (маъмурий назорат озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилиш вақтида шахсга нисбатан ўрнатилган бўлиб, у ўзи танлаган яшаш жойига узрли сабабсиз муайян муддатда етиб келмаслиги туфайли содир этилган бўлса, ЖК 226-моддаси иккинчи қисми “Б” банди) натижасида содир этилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ узоққа чўзилган жиноят ўз хусусиятлари жиҳатидан мураккаб таркибли ягона жиноят деб тан олинса, такроран содир этилган жиноят эса

бир қанча жиноят содир этишнинг шакли ҳисобланади ва шунинг учун ҳам улар турли жиноий-ҳуқуқий ва жиноий-процессуал оқибатларни келтириб чиқаради<sup>31</sup>.

#### 4-§. ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ, БЕЛГИЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Таркибли жиноят тушунчаси қонунда берилмаган, жиноят ҳуқуқи назариясида эса таркибли жиноят тушунчаси турлича талқин қилинади. Н.Ф.Кузнецованинг фикрича, таркибли жиноятлар икки ёки ундан ортиқ жиноий қилмишлардан ташкил топади ва агар уларнинг ҳар бирини алоҳида баҳолайдиган бўлсак, уларнинг ҳар бири алоҳида оддий жиноятни ташкил қилади<sup>32</sup>.

А.А.Пионтковскийнинг фикрича, таркибли жиноятлар бир неча ҳаракатлардан иборат бўлади ва бу ҳаракатларнинг ҳар бири мустақил жиноят таркиби билан қамраб олинади. Аммо бу ҳаракатлар ўзларининг ички яхлитлиги туфайли битта жиноят деб баҳоланади<sup>33</sup>.

А.М.Яковлевнинг фараз қилишича, таркибли жиноятга хос хусусият шундан иборатки, унга кўра ягона айб шакли доирасида турли туман

<sup>31</sup> Жиянов М. Повторность преступлений по уголовному законодательству Республики Узбекистан. ФДУ, Илмий хабарлар, 1996, №3, 29-31-б.

<sup>32</sup> Кузнецова Н.Ф. Значение преступных последствий для уголовного ответственности. М., 1958. с.117.

<sup>33</sup> Пионтковский А.А. Учение о преступлении. М., 1961. с. 646.



оқибатларга олиб келувчи турлича ҳаракатлар қатори қонун йўли билан ягона жиноят деб баҳоланади<sup>34</sup>.

М.Усмоналиевнинг фикрича, «мураккаб таркибли жиноят деганда ҳар бири мустақил жиноят ҳисобланган икки ёки ундан ортиқ оддий таркибли жиноятлардан иборат бўлган жиноий қилмиш тушунилади»<sup>35</sup>.

Биз ҳам М.Усмоналиевнинг берган таърифи мукамал эканлигини эътироф этган ҳолда, таърифда таркибли жиноят мураккаб жиноятнинг шакли эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз ва таркибли жиноятга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таркибли жиноят деганда икки ёки ундан ортиқ оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб ягона жиноят тушунилади. Юқорида келтирилган таърифдан таркибли жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- 1) жиноят қонуни томонидан мураккаб ягона жиноят сифатида эътироф этилади;
- 2) жиноят қонунда назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштиради;
- 3) жиноятларнинг идеал мажмуига ўхшаб кетади, лекин жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланмайди, чунки у қонун чиқарувчи идора томонидан олдиндан ягона жиноят сифатида ҳисобга олинган.

<sup>34</sup> Яковлев А.М. Совокупность преступлений. М., 1960. с. 27.

<sup>35</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., Адолат. 1998. 152-153-бетлар.

Таркибли жинойтлар мураккаб ягона жинойтларнинг энг кўп учрайдиган шакли ҳисобланади. Амалиётда таркибли жинойтларларни жинойтлар мажмуидан фарқлашда кўплаб хато ва камчиликлар учраб туради. Бунга сабаб, биринчидан, таркибли жинойтларнинг жинойтлар мажмуига ўхшаб кетиши бўлса, иккинчидан, кўпгина жинойтлар таркибини ташкил қилувчи белги ва аломатлар жинойт қонундаги нормаларда тўлиқ ёритиб берилмаган.

Юридик адабиётларда таркибли жинойтни олдиндан қонуннинг ўзида жинойтлар мажмуи сифатида инобатга олинган ҳолат деб ҳам аташади<sup>36</sup>. Таркибли жинойтларни бундай талқин қилишда уларни иккита турга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) икки ёки ундан ортиқ турли ҳаракатларга асосланган таркибли жинойт (олдиндан қонунда ҳисобга олинган жинойтларнинг реал мажмуи);
- 2) икки ёки ундан ортиқ жиний оқибатларни келтириб чиқарувчи бир жиний ҳаракатга асосланган таркибли жинойт (олдиндан қонунда ҳисобга олинган жинойтларнинг идеал мажмуи).

Икки ёки ундан ортиқ турли ҳаракатларга асосланган таркибли жинойтлар ҳам ўз навбатида яна икки турга бўлинади:

- 1) таркибли жинойт эканлиги тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида кўрсатилган жинойтлар;

---

<sup>36</sup> Галиакбаров Р., Ефимов М., Фролов Е. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного права. Советская юстиция, 1967, №2, с. 6.

2) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, лекин таркибли жиноят ҳисобланган жиноятлар.

Таркибли жиноят эканлиги тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида кўрсатилган жиноятларга босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддаси), ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш (Жиноят кодекси 118-моддаси), мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш (Жиноят кодекси 167-моддаси) каби жиноятлар мисол бўла олади. Чунки босқинчилик деганда Жиноят кодексининг 164-моддасига мувофиқ ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш тушунилади. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, босқинчилик иккита жинойи ҳаракатдан иборат: шахснинг баданига ўртача оғир даражагача бўлган шикаст етказиш ва ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш. Маълумки, шахснинг баданига ўртача оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 105-моддаси) ва ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш (Жиноят кодекси 166 ва 169-моддалари) қонунда алоҳида-алоҳида қилиб, мустақил жиноятлар сифатида назарда тутилган.

Ўлдириш билан қўрқитиб номусга тегиш (Жиноят кодекси 118-моддаси 2-қисми «г» банди) жинояти ҳам иккита жинойи ҳаракатдан иборат: зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий

алоқа қилиш (Жиноят кодекси 118-моддаси 1-қисми) ва ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (Жиноят кодекси 112-моддаси).

Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш жинояти ҳам иккита жинойий ҳаракатдан иборат: ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш (Жиноят кодекси 167-моддаси ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш) ва ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (Жиноят кодексининг 205-моддаси).

Икки ёки ундан ортиқ турли ҳаракатларга асосланган, таркибли жиноят эканлиги қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, лекин таркибли жиноят ҳисобланган жиноятларга ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш (Жиноят кодекси 247-моддаси) жинояти мисол бўла олади. Чунки ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятини содир қилган шахс тегишли руҳсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиб юриш ёки сақлаш жиноятини ҳам содир этган ҳисобланади. Руҳсатномасиз ўқотар қурол, шунингдек ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини олиб юриш ёки сақлаш мустақил жиноят сифатида Жиноят кодекси 248-моддаси 1-қисмида назарда тутилган.

Икки ёки ундан ортиқ жинойий оқибатларни келтириб чиқарувчи бир жинойий ҳаракатга асосланган таркибли жиноятларга оммавий

тартибсизликлар жараёнида қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми «е» банди), номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми «з» банди), безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми «л» банди), ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (Жиноят кодекси 225-моддасининг 2-қисми «б» банди), зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб транспорт воситасини олиб қочиш (Жиноят кодекси 267-моддаси учинчи қисми «в» банди), оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисми «г» банди), безорилик оқибатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисми «е» банди), миллатлараро ёки ирқий адоват замирида қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодекси 104-моддаси иккинчи қисми «ж» банди) каби жиноятлар мисол бўла олади. Чунки юқорида мисол тариқасида келтирилган жиноятлар мустақил жиноят сифатида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўз ичига олганлигига қарамай бир жиноят таркиби билан қамраб олинади ва амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ бир бутун мураккаб ягона жиноят деб топилади. Жиноятларнинг идеал мажмуи сифатида квалификация қилишга ҳожат йўқ.

## 5-§. МУҚОБИЛ ҲАРАКАТЛАР БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР

Муқобил ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятлар ҳам мураккаб ягона жиноятлар тоифасига киради. Бундай тоифадаги жиноятларнинг энг асосий хусусиятлари шундан иборатки, биринчидан, бундай жиноятнинг объектив томони мажбурий элементи ҳисобланган қилмиш ўз ичига бир неча ҳаракатларни олади.

Иккинчидан, бундай қилмишни жиноят деб тан олиш учун жиноят таркибига кирувчи ҳаракатлардан бирининг шахс томонидан содир этилиши кифоя ҳисобланади. Учинчидан, шахс жиноят таркибига кирувчи ҳаракатлардан бирини эмас, балки бир вақтнинг ўзида иккита ёки учтасини, ҳаттоки тўртта ёки бештасини содир этса ҳам, барибир унинг хатти-ҳаракатлари бир бутун мустақил ягона жиноят деб баҳоланаверади, яъни шахснинг бундай ҳаракатлари тизимини жиноятлар мажмуи сифатида баҳолашга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунида муқобил ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятлар талайгина назарда тутилган. Бундай жиноятларга давлатга хоинлик қилиш (Жиноят кодексининг 157-моддаси), қўпоровчилик (Жиноят кодексининг 161-моддаси), сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш (Жиноят кодексининг 186-моддаси), мансаб сохтакорлиги

(Жиноят кодексининг 209-моддаси), қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш (Жиноят кодексининг 223-моддаси). ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш (Жиноят кодексининг 227-моддаси). ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш (Жиноят кодексининг 228-моддаси) каби жиноятлар киради. Чунки давлатга хоинлик қилиш жинояти душман томонига ўтиш, жосуслик, давлат сирларини чет эл давлатига етказиш. Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда чет эл давлатига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатлар ёрдамида содир этилса, қўпурувчилик одамларни қириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён етказиш, мулкига шикаст етказиш ёки мулкни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар ёрдамида, сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш жинояти ҳам маҳсулот чиқариш орқали, ҳам маҳсулотни сотиш орқали содир этилиши мумкин.

Мансаб сохтакорлиги жиноятига келсак, у сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш орқали содир этилади. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жинояти учта муқобил ҳаракатни, яъни қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтишни ўз ичига олади. Ҳужжатлар,

штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст  
етказиш ёки уларни яшириш жинояти, ўз номидан аён бўлиб турибди.  
эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш, яшириш билан боғлиқ ҳаракатлар  
орқали содир этилса, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш,  
уларни қалбақилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти  
тайёрлаш, қалбақилаштириш, сотиш, фойдаланиш каби ҳаракатларда намоён  
бўлади.

Муқобил ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятларни тартибга  
солиб турувчи нормаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бундай  
жиноятларни ташкил қилувчи ҳаракатлар ёки жиноят содир қилиш  
мақсадининг бирлиги билан ёхуд жиноят қонуни билан қўриқланаётган  
ижтимоий муносабатларга нисбатан айбдор руҳий муносабатининг бирлиги  
билан ёхуд жиноят натижасида айнан бир объектга зарар етказиш билан  
ажралиб туради.

## 6-§. МУРАККАБ АЙБЛИ ЖИНОЯТ

Мураккаб айбли жиноят ҳам мураккаб ягона жиноятлар тоифасига  
киради. Мураккаб айбли жиноятлар юридик адабиётда оғир оқибатлар  
келтириб чиқарадиган жиноятлар деб ҳам юритилади.<sup>37</sup>

<sup>37</sup> Кузнецова Н.Ф. *Значение преступных последствий для уголовной ответственности*. М., 1958. С.79. Малков В.Н. *Совокупность преступлений*. Изд-во Казанского университета, 1974. С.121-123.



Давлатмизнинг амалдаги жиноят қонунида мураккаб айбли жиноят таърифи берилган. Жиноят кодексининг 23-моддасига мувофиқ «агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади».

Энди юқорида келтирилган таърифдан мураккаб айбли жиноятнинг белгиларини ажратиб олсак. Улар, бизнинг фикримизча, қуйидагилар:

1. **Шахс жиноятни фаол хулқ-атвор, яъни ҳаракат ёрдамида содир этади.**
2. **Шахс содир этган жиноятнинг субъектив томони айбнинг ҳар икки шакли (ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик)да мавжудлиги билан характерланади. Шахсда қилмишга нисбатан тўғри қасд, юз берган оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик мавжуд бўлади.**
3. **Шахс содир этган жиноят натижасида бир неча жинойи оқибатлар юз беради.**
4. **Қилмиш натижасида эҳтиётсизлик орқасида юз берган оқибат қонунда алоҳида жиноят сифатида назарда тутилган бўлишига қарамасдан, қасддан содир этилган қилмишнинг зарурий белгиси деб қаралади. яъни аслида иккита алоҳида-алоҳида жиноят деб баҳоланиши зарур бўлган қилмиш ва оқибат қонунда битта, ягона жиноят деб**

баҳоланади. Қонун ҳам бундай қилмишни қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаб қўяди.

Мураккаб айбли жиноятга жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 104-моддаси учинчи қисми «д» банди) ва жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) жабрланувчининг ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши (Жиноят кодексининг 114-моддаси учинчи қисми «а» ва «б» бандлари) каби жиноятлар мисол бўла олади.

Юқорида келтирилган ҳар икки мисолда ҳам шахс ҳатти-ҳаракатларида бир вақтнинг ўзида айбнинг иккита шакли белгиларини кузатиш мумкин. Баданга оғир шикаст етказиш ва жиноий равишда ҳомила туширишга нисбатан шахсда тўғри қасд мавжуд бўлса, ана шу қилмишлар натижасида юзага келган оқибатлар (жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар)га нисбатан унда айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжуд бўлади. Қолаверса, ҳар икки жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаларнинг тегишли қисмлари санкциясига эътибор берсак, қонунда бундай қилмишларнинг оқибатлари учун қаттиқроқ жавобгарлик назарда тутилганининг гувоҳи бўламиз.

## 7-§. МАЪМУРИЙ ТАРТИБДА ТАЪҚИБ ҚИЛИНГАНДАН СЎНГ ЖИНОЯТГА АЙЛАНДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

Маъмурий тартибда таъқиб қилингандан сўнг қайта содир этилганда жиноятга айланадиган ҳуқуқбузарликлар ҳам мураккаб жиноятлар тоифасига киради. Юридик адабиётларда бундай жиноятлар такрорий ҳаракатлар асосида содир этиладиган жиноятлар деб ҳам юритилади.<sup>38</sup>

Ҳўш, бу жиноятларнинг асосий белгилари нималардан иборат. Бизнинг фикримизча, маъмурий тартибда таъқиб қилингандан сўнг қайта содир этилганда жиноятга айланадиган ҳуқуқбузарликларнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Бундай жиноятларнинг асосида такрорий ҳаракатлар ётади. Бундай ҳаракатларнинг ҳар бири ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра маъмурий ҳуқуқбузарликни ташкил қилади.
2. Шахс олдинги содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ваколатли давлат идоралари томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши шарт.
3. Шахснинг олдинги содир этган ҳуқуқбузарлиги учун тайинланган жазонинг ҳуқуқий оқибатлари ҳали тугамаган бўлиши, яъни шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат ҳали

<sup>38</sup> Малков В.Н. Повторность преступлений. Изд-во Казанского университета, 1974. – с.123.

тугамаган бўлиши шарт. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат мазкур жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил деб белгиланган.

4. Жиноят қонунида ушбу тоифадаги жиноятлар тегишли нормаларнинг диспозицияларида «шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса» жумласи орқали ифодаланган.

5. Бундай тоифадаги жиноятлар Жиноят кодексининг 15-моддасига мувофиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар деб ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мураккаб ягона жиноят тушунчаси” боби бўйича такрорлаш учун назорат саволлари:

1. Ягона жиноятга таъриф беринг ва унинг турларини аниқланг?
2. Оддий ягона жиноятга таъриф беринг ва мисол келтиринг?
3. Мураккаб ягона жиноятга таъриф беринг, унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг ва мисол келтиринг?
4. Мураккаб ягона жиноятнинг қандай турларини биласиз?
5. Давомли жиноятга таъриф беринг, унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг ва мисол келтиринг?

6. Узоққа чўзилган жиноятга таъриф беринг, унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган узоққа чўзилган жиноятлардан мисоллар келтиринг?

7. Мураккаб айбли жиноятга таъриф беринг, унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган мураккаб айбли жиноятлардан мисоллар келтиринг?

8. Таркибли жиноятга таъриф беринг, унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган таркибли жиноятлардан мисоллар келтиринг?

9. Муқобил ҳаракатлар билан содир этиладиган жиноятга таъриф беринг ва мисол келтиринг?

10. Маъмурий тартибда таъқиб қилингандан сўнг қайта содир этилганда жиноятга айланадиган ҳуқуқбузарликларга мисоллар келтиринг?

11. Мураккаб ягона жиноятнинг бир қанча жиноятлардан фарқларини аниқланг?

12. Давомли ва узоққа чўзилган жиноятларнинг такроран содир этилган жиноятлардан фарқларини аниқланг?

### III боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида

### такроран жиноят содир этганлик учун жавобгарлик

#### масалалари

Такроран жиноят содир этиш жиноят ҳуқуқида ўта муҳим ва мураккаб масала бўлишига қарамай, давлатимизнинг янги жиноят қонуни қабул қилингунга қадар жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиётида турлича талқин қилинган ва жиной ишларнинг турлича ҳал этилишига сабаб бўлиб келган. Натижада суднинг қўпол хатоликларига йўл қўйилган, қонунийлик принципи бузилган, бу эса ўз навбатида аҳоли томонидан ўринли эътирозларга сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган пайдан бошлаб давлатимиз парламенти томонидан қатор қонунлар қабул қилинган бўлиб, бу қонунлар мамлакатимизда адолатли ҳуқуқий давлат қуриш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворга асос солди. Қабул қилинган янги қонунлар қонунийликни мустаҳкамлашга ва уларда мустаҳкамланган меъёрларнинг барча фуқаролар ва давлат органлари томонидан бир хил бажарилишини таъминлашга қаратилган. Бу борада жиноят қонуни муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан жиноят қонуни турли жиной қилмишларга, жумладан бир қанча жиноятларга қарши кураш олиб боришга қаратилган.

Олдинги жиноят қонунларидан фарқли ўлароқ (маълумки, уларда бир қанча жиноят содир этиш тўғрисидаги нормалар Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмларининг турли моддаларида кўрсатилган эди), Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига бир қанча жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлган барча асосий масалалар 1959 йилдан бери жиноят ҳуқуқи фани ва тергов-суд амалиётида тўпланган илғор ғоялар ва эришилган янги ютуқларни инобатга олган ҳолда бойитилди. Натижада бир қанча жиноятларга оид нормаларнинг қарама-қаршилигини бартараф қилувчи, бири иккинчиси билан мантиқий боғланган, ихчам ва изчил тизим яратилди. Бу нормалар Жиноят кодекси Умумий қисмининг бир қанча жиноят содир этишга бағишланган алоҳида (саккизинчи) бобида ўз ифодасини топди. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи томонидан биринчи марта Умумий қисмга янги боб киритилиб, унда бир қанча жиноят содир этишнинг шакллари ва унинг асосий белгилари аниқ, лўнда ва қисқа қилиб ифода этилди. Бу эса, шубҳасиз, юқорида айтиб ўтилган тергов-суд амалиётида мазкур жиноятларга ҳуқуқий баҳо беришда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф қилишга ҳуқуқий асос яратиб берди.

Бироқ, бир қанча жиноят содир этиш, шу жумладан, такроран жиноят содир этишга оид нормаларни қўллаш амалиётини ўрганиш шундан далолат бермоқда-ки, ҳали барча суд-тергов органлари янги қонунимизнинг бу соҳадаги нормалари талабларини етарлича ўзлаштиргани йўқ. Ҳанузгача

уларни қўллашда қўпол хато ва камчиликлар учраб турибди. Шу нуқтаи назардан бир қанча жиноят содир этишнинг кенг тарқалган шакли бўлган такроран жиноят содир этишни ўрганиш ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасига кўра такроран жиноят содир этиш деганда “Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этиши, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши тушунилади”. Юқоридаги таърифдан келиб чиққан ҳолда такроран жиноят содир этишнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

1) бир шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилганлиги;

2) ушбу жиноятларнинг турли вақтларда содир этилганлиги;

3) содир этилган қилмишлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, бир моддасининг битта қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган бўлиши;

4) ушбу қилмишларнинг шахс судланмасдан олдин содир этилган бўлиши, яъни уларни суд ҳали муҳокама қилмаган бўлиши ва айбдор уларнинг бирортаси учун ҳам жазоланмаган бўлиши.

Шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши такроран жиноят содир этишнинг муҳим белгиси сифатида шуни



кўрсатадики, унга кўра содир этилган ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш алоҳида, яғона, битта мустақил жиноят деб қаралади.

Бунда жиноят тушунчаси нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жазога сазовор жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилишни, бундан ташқари иштирокчиликда содир этилган жиноятларни ҳам назарда тутлади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Такроран жиноят содир этишнинг зарурий белгиларидан яна бири бу жиноятларнинг турли вақтларда содир этилишидир. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши деганда, биринчи ва иккинчи жиноятларнинг кетма-кет содир этилганлиги, вақт нуқтаи назаридан улар орасида муайян узилиш мавжудлиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунига мувофиқ жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши бўйича такроран жиноят содир этиш жиноятларнинг реал мажмуи ва рецидив жиноятларга ўхшаб кетса, жиноятларнинг идеал мажмуи тушунчасидан тубдан фарқ қилади.

Такроран жиноят содир этишнинг муҳим белгиларидан яна бири шундан иборатки, унга кўра такрорийликни ҳосил қилувчи жиноятлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, бир моддасининг битта қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли

моддаларида назарда тутилган бўлиши мумкин. Қонун чиқарувчининг “такроран жиноят содир этиш жумласига кирадиган жиноятлар қонуннинг нафақат алоҳида моддасида, балки Жиноят кодекси бир моддасининг битта қисмида ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин” — деб алоҳида таъкидлаб ўтишининг сабаби шундаки, амалдаги Жиноят кодексида баъзи жиноятларга қонуннинг битта моддаси тўлиқ бағишланган бўлса (масалан, ЖКнинг 99-моддаси (онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши), 124-моддаси (болани алмаштириб қўйиш), 179-моддаси (сохта тадбиркорлик) кабилар), бошқа ҳолларда эса турли жиноятлар учун жавобгарлик жиноят қонуни айнан битта моддасининг турли қисмларида белгиланган. Масалан, Жиноят кодексининг 213-моддаси биринчи қисми (хизматчини пора эвазига оғдириш), 213-моддасининг иккинчи қисми (мансабдор шахс бўлмаган хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши мумкин ёки дозим бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф равишда анча миқдорда моддий ҳақ олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши), 224-моддасининг биринчи қисми (чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши), 224-моддасининг иккинчи қисми (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши), 224-моддасининг учинчи қисми (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш

билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларининг бузилиши), 238-моддасининг биринчи қисми (ёлғон гувоҳлик бериш), 238-моддасининг иккинчи қисми (ёлғон гувоҳлик бериш учун пора эвазига оғдириш, шунингдек руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш), 241-моддасининг биринчи қисми (жиноят ҳақида хабар бермаслик), 241-моддасининг иккинчи қисми (жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яшириш) ва бошқалар.

Бундай ҳолатларнинг ҳаммасида қонуннинг тўлиқ моддаси ёки унинг битта қисми тегишли жиноят таркибининг белгиларини тўлиқ изоҳлаб беради, ўзининг мустақил санкциясига эга бўлади, шунинг учун ҳам уларда ифода этилган ҳар бир жиноят алоҳида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддаси турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этиб (масалан, шахс олдин Жиноят кодекси 169-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган жиноятни содир этгандан сўнг, шу модданинг иккинчи қисми “А” бандида назарда тутилган кассавурлик жиноятини содир этса), улардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, унинг жиноятларини такроран содир этилган деб баҳолаш мумкинми? Давлатимизнинг Жиноят кодекси 32-моддаси мазмунига кўра шахснинг бундай жиноятлари такроран содир этилган деб тан олинмайди, чунки қонун чиқарувчи такроран жиноят содир

этишга берган таърифда Жиноят кодекси Махсус қисмининг нафақат моддалари, балки унинг муайян моддаси қисмлари ҳақида ҳам сўз юритади. Шунинг учун ҳам юқорида айтилган шахснинг жиноятлари жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддаси битта қисмининг турли бандларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда содир этиб (масалан, шахс Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисми “А” бандида кўрсатилган қиссавурлик жиноятини содир қилгандан сўнг, шу модданинг шу қисми “Б” бандида назарда тутилган анча миқдордаги ўғрилик содир этса), улардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, унинг жиноятларини такроран содир этилган деб квалификация қилиш мумкинми? Ҳа, чунки жиноят қонунда бир қанча жиноят содир этишга берилган таърифда Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси қисмларининг бандлари ҳақида сўз юритилмайди.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг такроран жиноят содир этишни вужудга келтириши масаласига келсак, бундай ҳолатлар жиноят қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши лозим. Масалан, агар шахс Жиноят кодекси 97-моддаси бўйича илгари қасддан одам ўлдирган (бу жиноят учун судланмаган ҳолда) бўлиб, кейинчалик бошқа шахсга қасддан баданга оғир шикаст етказган бўлса, унинг қасддан баданга оғир шикаст

етказиш билан боғлиқ ҳаракатлари Жиноят кодекси 104-моддаси учинчи қисми “Б” банди билан квалификация қилиниши лозим, чунки бу ерда биз таъкидлаб ўтган Жиноят кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолат мавжуд бўлиб, айнан ана шу ҳолат қасддан баданга оғир шикаст етказишни такроран содир этилган жиноят деб баҳолашга асос бўлиб хизмат қилади. “Бундай ҳолда жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳам жиноятлар мажмуи қоидалари, ҳам такроран жиноят қилиш қоидалари тадбиқ этилади”<sup>39</sup>. Чунки қонун чиқарувчи ҳар икки жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигини инобатга олади ва шунинг учун ҳам уларга қарши курашнинг энг жиддий жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Шундай қилиб, такрорийлик бир қанча жиноятларнинг шакли сифатида айнан бир жиноят таркибига мос келадиган, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли жиноятлар таркиби билан қамраб олинadиган икки ёки ундан ортиқ (биттадан кам бўлмаган) жиноятларнинг турли вақтларда содир этилишини назарда тутди.

Содир этилган ижтимоий хавfli қилмишларнинг Жиноят кодекси айнан бир моддасида ёки битта моддасининг айнан битта қисмида, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган бўлиши билан такроран жиноят содир этиш,

---

<sup>39</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т. 1998. 167-б.

бир томондан, жиноятлар мажмуидан фарқланса, иккинчи томондан эса, хавфли рецидив жиноятга ўхшаб кетади.

Такроран жиноят содир этишнинг муҳим ҳуқуқий белгиларидан яна бири унинг таркибига кирган жиноятларни шахс судлангунга қадар содир этишидир, яъни такрорийликни ташкил қилувчи жиноятларнинг ҳеч бири ҳали суд томонидан муҳокама қилинмаган бўлиши, уларнинг бирортаси юзасидан ҳам ҳали айблов ҳукми чиқарилмаган бўлиши, шахс уларнинг барчаси учун бир вақтнинг ўзида бир жиноят процессида жавобгарликка тортилаётган бўлиши зарур. Жиноятларнинг судлангунга қадар содир этилиши билан такрорийлик жиноятлар мажмуига ўхшаб кетса, рецидив жиноятлардан фарқланади. Шунини таъкидлаш жоизки, давлатимизнинг амалдаги жиноят қонуни 33-моддасида назарда тутилган судланганлик масаласи Жиноят кодексининг 77-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган судланганлик тушунчасидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам жиноятлар мажмуи нуқтан назаридан шахснинг судланганлиги масаласини ҳал қилишда унга нисбатан айблов ҳукмининг чиқарилганлиги инобатга олинади, холос. Ҳукмнинг қонуний кучга кирган-кирмаганлиги аҳамият касб этмайди. Демак, жиноят қонуни мазмунига кўра жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ҳар бир жиноят шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилгунга қадар содир этилган бўлиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги 16-сонли «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги

қарорининг 2.5-бандига мувофиқ ҳукми чиқариш деганда уни очиқ эълон қилиш тушунилади.

Агар шахс жиноят қонуни Махсус қисми айнан бир моддасида, бир моддасининг битта қисмида, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятларни уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган ҳолда турли вақтларда содир қилган бўлса-ю, бу жиноятларнинг бири ҳукм чиқарилгунга қадар, иккинчиси эса ҳукм чиқарилгандан кейин аниқланган бўлса, унинг бу қилмишлари қандай квалификация қилиниши керак?

Бу саволга давлатимиз қонун чиқарувчиси Жиноят кодекси 59-моддасининг тўртинчи қисмида қуйидагича жавоб беради: “Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми ҳам қўшилади”.

Бу хусусда биз М.Усмоналиевнинг қуйида баён қилинган фикрларига қўшиламыз. У шундай дейди: “Қонуннинг бу мазмуни жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинлашга нисбатан қўлланиши ҳақида айтилган бўлса-да, такроран деб ҳисобланиши мумкин бўлган жиноятлар содир қилинганда ҳам татбиқ этилиши мумкин. Масалан, айтайлик, шахс олдин ЖК 169-

моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни, кейинроқ, эса яна 169-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилиб, буларнинг фақат биттаси учун ҳукм қилиниб, иккинчиси кейинроқ, яъни субъектга нисбатан ҳукм чиқарилганидан кейин очилиб қолса, жиноятлар жами тариқасида эмас, балки такроран жиноят содир қилинган деб ҳисоблаб, ЖК 169-моддасининг 3-қисми “А” банди билан қайта квалификация қилинади.

Бундай ҳолда жиноятларнинг ҳар иккаласи 169-модданинг 2-қисмида кўрсатилган жиноятлар бўлганлиги ва жиноятларнинг бири учун судланмай қолганлигида ҳуқуқни амалда қўлловчи органларнинг жиноятни ўз вақтида очмай қолганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек тарихий анъана бўлиб келаётган қонун нормаларида қарама-қаршилиқ вужудга келса, ҳар доим жиноятчининг фойдасига ҳал қилинади деган қоида қўлланилади”<sup>40</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг мазмунини тўлиқроқ тушуниб олиш мақсадида уни мавжуд юридик адабиётларда берилган такроран жиноят содир этиш ҳақидаги тушунча, фикр-мулоҳазалар билан солиштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, А.М.Ниедренинг фикрича, такроран жиноят содир этиш деганда “бир шахс томонидан турли вақтларда бир-бирига айнан ўхшаш, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолатларда эса, турдош бўлган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни улар юзасидан ҳукм чиқарилган ёки чиқарилмаганидан қатъий назар содир этиш”

---

<sup>40</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Тошкент. “Адолат”. 1998, 163-164-б.



тушунилади<sup>41</sup>. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, унинг муаллифи такрорий жиноятлар таркибига рецидив жиноятларни ҳам киритган. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига белгиланган такроран жиноят содир этиш тушунчасига тўғри келмайди. Мазкур муаммо юзасидан давлатимиз қонун чиқарувчиси позициясига яқин фикр А.М.Яковлев томонидан берилган. Унинг таъбирича, такроран содир этилган жиноятлар деганда шахс томонидан айнан ўхшаш жиноятларнинг судлангунга қадар содир этилиши тушунилади<sup>42</sup>. В.П.Малков ва Б.М.Леонтъевлар эса такроран жиноят содир этиш тушунчасини кенг тушунадилар ва такрорий жиноятларни иккита гуруҳга ажратадилар:

- 1) шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғланган такрорийлик, яъни рецидив жиноятлар;
- 2) шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги билан боғланмаган такрорийлик. Бу тушунча ҳам, ўз навбатида, бир неча марта жиноят содир этиш, муттасил равишда жиноят содир этиш, жиноят содир қилишни касб-кор қилиб олиш ва жиноятларнинг реал мажмуига бўлинади<sup>43</sup>.

В.П.Малков ва Б.М.Леонтъевларнинг такрорий жиноятлар ҳақидаги фикрларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасида мустақамланган такроран жиноят содир этиш тушунчаси билан қиёсласак,

<sup>41</sup> Ниедре А.М. Понятие рецидива преступлений и уголовная ответственность рецидивистов. Автореф.канд.дис. Рига, 1971, с. 6

<sup>42</sup> Яковлев А.М. Совокупность преступлений. М., 1960, с. 36

<sup>43</sup> Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета, 1974, с. 21 и с.25-27. Советское уголовное право. Общая часть, МГУ, 1988, с. 201

мазкур муаллифлар жиноятларнинг такрорийлиги тушунчасини анча кенг талқин қилишларини ва уларнинг позицияси давлатимиз қонун чиқарувчиси позициясига тўғри келмаслигини аниқлаймиз.

Такроран жиноят содир этиш бир қанча жиноят содир этишнинг шакли сифатида битта, ягона жиноят содир этишга қараганда жамият учун анча катта ижтимоий хавф туғдиради. Шунинг учун ҳам амалдаги жиноят қонунида такроран жиноят содир этишга алоҳида эътибор берилган. Содир этилган ижтимоий қилмишни такроран деб тан олиш жиноят қонунида белгиланган қуйидаги ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради:

1) Такроран жиноят содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади;

2) такроран жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 56-моддаси);

3) такроран жиноят содир этиш жиноий жавобгарликка тортиш муддатини узади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 54-моддаси);

4) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгардан озод қилиш Жиноят кодекси 66-моддаси мазмунига кўра такроран жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, чунки ушбу қондани қўллашнинг муҳим шартларидан бири жиноятнинг биринчи марта содир этилишидир;

5) такроран жиноят содир этган шахсларга нисбатан, агар бунинг учун қонунда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, Жиноят кодекси 71-моддаси асосида чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилишни ҳам қўллаб бўлмайди, чунки ушбу қондани қўллашнинг муҳим шартларидан бири сифатида ҳам шахс томонидан жиноятнинг биринчи марта содир этилган бўлиши талаб қилинади.

Энди юқорида санаб ўтилган такроран жиноят содир этиш ҳуқуқий оқибатларининг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонуни инсонпарварлик, одиллик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлик даражасига қараб жиноий жавобгарлик ва жазони табақалаштиради. Табақалаштириш турли жиноят таркибларини тузиш орқали амалга оширилади.

Табақалаштириш натижасида нафақат ҳар хил турдаги жиноятлар бири-бирдан фарқланади, балки бир турдаги жиноят доирасида ҳам унинг ижтимоий хавфлилики даражасига кўра бир неча жиноят таркибларига бўлиш юз беради. Жиноят қонуни нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят таркиби қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлик даражасига қараб уч турга бўлинади: оддий ёки асосий жиноят таркибига, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олувчи жиноят

**таркибига ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олувчи жиноят таркибига.**

Такроран жиноят содир этишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли у қонун чиқарувчи томонидан жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олинган. Шунинг учун ҳам у жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида бир қатор жиноятлар таркибларига киритилган.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмининг 37 та моддасида тегишли жиноят таркибларининг зарурий белгиси сифатида “такроран” сўзи кўрсатилган, бундан ташқари яна 6 та модда (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 127, 270, 271, 273, 274, 276-моддалари)да илгари содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида мустаҳкамланган. Юқорида зикр этилган 43 та жиноят таркибининг 4 таси бўйича такроран жиноят содир этиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 15-моддасига мувофиқ ўта оғир жиноят деб тан олинса, 18 та жиноят таркиби бўйича оғир жиноят деб, 20 та жиноят таркиби бўйича эса унча оғир бўлмаган жиноят деб, фақатгина битта (Жиноят Кодексининг 170-моддаси иккинчи қисми) жиноят таркиби бўйича ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб тан олинади. Бу эса такроран жиноят содир этишга қарши кураш жиний репрессиянинг асосий йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради.

Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, қонун чиқарувчи жиноят қонунининг айрим моддаларида такроран жиноят содир этиш тўғридан-тўғри жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эълон қилса (масалан, Жиноят Кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми), кўпчилик ҳолатларда уни тегишли модданинг иккинчи ёки учинчи қисмига банд сифатида киритади ҳамда мазкур модда биринчи қисмида кўрсатилган жиноят учун белгиланган жазодан оғирроқ жазони назарда тутати.

Содир этилган ижтимоий хавfli қилмишни такроран деб тан олиш ва жиноят қонуни тегишли моддасининг “такроран” деб аталувчи қисми ёки банди бўйича клафикация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 32-моддасида назарда тутилган қондаларга қатъиян амал қилган амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жинояти Кодексининг 56-моддасига мувофиқ такроран жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқида жазони оғирлаштирувчи ҳолат деганда жиноят таркибига киритилмаган, шунинг учун ҳам тегишли жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайдиган, лекин жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражаси юқори эканлигидан далолат берувчи ва жазо тайинлашда инobatга олинishi зарур бўлган ҳолат тушунилади.

Такроран жиноят содир этиш фақатгина жиноят қонуни тегишли моддаларида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида инobatга

олинмаган, яъни тегишли модда қисми ёки бандида назарда тутилмаган ҳоллардагина жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олинади, холос. Агар такроран жиноят содир этиш жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида тегишли модда қисми ёки бандида кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 56-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ у суд томонидан жазо тайинлашда яна жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳам ҳисобга олиниши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, такроран жиноят содир этиш тегишли жиноят таркибига зарурий белги сифатида киритилмаган ҳолатлардагина суд томонидан жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 64-моддасига мувофиқ оғир жиноят содир этган шахс ўн йил ўтмасдан, ўта оғир жиноят (бундан тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар мустасно) содир этган шахс ўн беш йил ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддати янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи “қасддан янги жиноят” содир этиш деганда такроран жиноят содир этишни ҳам назарда тутди.

Қолган ҳолларда, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс уч йил ўтмасдан, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс беш йил ўтмасдан янги жиноят, шу жумладан такроран жиноят содир этса,

жинойт жавобгарликка тортиш муддатлари ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс қонунда белгиланган муддатлар ўтмасдан янги жиноят, жумладан, такроран жиноят содир этса, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши узилмайдди.

Жавобгарликка тортиш муддатининг моҳияти шундан иборатки, унга кўра жиноят содир этилган кундан бошлаб қонунда белгиланган муддатлар ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

“Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида такроран жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масалалари” боби бўйича такрорлаш учун назорат саволлари:

1. Такроран жиноят содир этишга таъриф беринг ва унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг?
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган такрорий жиноятлардан мисоллар келтиринг?
3. Такроран содир этилган жиноятнинг жиноятлар мажмуидан фарқларини аниқланг?
4. Такроран содир этилган жиноятнинг рецидив жиноятлардан фарқларини аниқланг?

5. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши деганда нимани тушунасиз?

6. Судланганликнинг такроран содир этилган жиноятга қандай алоқаси бор?

7. Такроран содир этилган жиноятлар қандай жиноятларнинг бирикувидан юзага келади?

8. Такроран содир этилган жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?



## IV боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида жиноятлар мажмуи учун жавобгарлик масалалари

Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқининг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқининг муҳим масалаларидан бири эканлиги шундан иборатки, у тергов ва суд жараёнида тез-тез муҳокамага сабаб бўлиб туради. Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқининг мураккаб масалаларидан бири эканлиги шундан иборатки, у тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлиб, икки ёки ундан ортиқ жиноий қилмишларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам оддий ягона жиноятларни тавсиф қилишга қараганда жиноятлар мажмуига ҳуқуқий баҳо бериш анча мушкул масала ҳисобланади.

Жиноятлар мажмуи масаласини ёритишдан олдин шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг аввалги, 1959 йил 21 майдаги Жиноят кодексига жиноятлар мажмуи ҳақида махсус норма бўлмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий белгилари бир неча жиноятларни содир қилинганлик учун жазо тайинлашни тартибга солувчи норма (1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 40-моддаси)дан келиб чиққан ҳолда аниқланар эди, бошқача қилиб айтганда, жиноятлар мажмуи ҳақидаги нормалар етарли даражада тизимлаштирилмаган эди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган янги Жиноят кодексига жиноятлар мажмуига оид ҳамма қондалар тизимлаштирилди, яъни жиноятлар мажмуини тартибга солувчи умумий қондалар жиноят қонунининг алоҳида моддаси сифатида шакллантирилди. Умумий қонданинг махсус нормалар билан мувофиқлиги таъминланди. У ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўлганлиги учун ҳам жиноят қонунининг бир қанча жиноят содир этишни тартибга солувчи (ЖК Умумий қисми саккизинчи боб) бобига киритилди. Янги ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда 1959 йилдан 1994 йилгача бўлган даврда жиноят ҳуқуқи назарияси ва тўғров-суд амалиётида мазкур муаммо юзасидан тўпланган тажриба ва эришилган ютуқлар инобатга олинди.

Биз қуйида ушбу муҳим масаланинг айрим жиҳатларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддасига мувофиқ “Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи (таъкидлаш муаллифники) деб топилади”.

Ушбу таърифдаш келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуининг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини ажратиш мумкин:

1. Жиноятлар мажмуи бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўлиб, унга кўра шахс жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этади.

2. Содир этилган қилмишлар жиноят қонуни Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган бўлади.

3. Содир этилган жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди.

Энди юқорида санаб ўтилган жиноятлар мажмуининг ҳар бир ҳуқуқий белгисига алоҳида-алоҳида тавсиф бериб ўтамиз.

Бир шахс томонидан икки ёки бир неча жиноий қилмишнинг содир этилиши жиноятлар мажмуининг асосий ҳуқуқий белгиларидан бири сифатида шунинг асосидаги шахс томонидан содир этилган ҳар бир жиноий қилмиш амалдаги жиноят қонуни 14-моддасига мувофиқ ягона мустақил жиноят сифатида баҳоланади. Мустақил равишда алоҳида квалификация қилинади ва алоҳида санкцияга эга бўлади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қонун чиқарувчи Жиноят кодексининг 33-моддасида “жиноий қилмиш” тушунчасини қўллар экан, уни кенг тушунади ва жиноий қилмиш деганда нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш (ЖК нинг 25-моддаси) ҳамда

иштирокчиликда содир этилган жиноят (ЖК нинг 27-моддаси) ларни ҳам назарда тутати.

Жиноятлар мажмуига таъриф беришда қонун чиқарувчи “жавобгарликка тортиладиган” сўз бирикмасини қўллар экан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида шахсни жавобгарликка тортиш учун монелик қилувчи ҳолатлар белгиланганлигини, жиноят ишини текшириш жараёнида бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда шахс тегишли қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлигини, жиноий-ҳуқуқий оқибатлар вужудга келмаслигини назарда тутати. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги (ЖК нинг 64-моддаси), қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги (ЖК нинг 65-моддаси), айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги (ЖК нинг 66-моддаси), ярашилганлиги муносабати билан (ЖК нинг 66'-моддаси), жиноят содир этган шахснинг ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолганлиги (ЖК нинг 67-моддаси), шахсни жавобгарликдан озод қилиш ҳақида амнистия актининг мавжудлиги (ЖК нинг 68-моддаси), мажбурлов чорасини қўллаш мақсадида ишнинг вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияга топширилганлиги (ЖК нинг 87-моддаси биринчи қисми) жиноий жавобгарликдан озод қилиш

асослари ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарорининг мавжудлиги, жиноят иши фақат жабрланувчининг шикоятни билан қўзғатиладиган жиноят бўйича жабрланувчи шикоятининг йўқлиги жиноят ишини тугатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Жиноят ишини тугатиш эса, ўз навбатида, жиноий жавобгарликдан озод қилишни англатади.

Хулоса қилиб айтганда, шахсни жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортиш учун жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ҳар бир жиноий қилмиш юзасидан жиноий жавобгарлик асослари мавжуд бўлиши ва жавобгарликка тортиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаслиги зарур.

Содир этилган жиноий қилмишларнинг жиноят қонунини Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилиши жиноятлар мажмуининг иккинчи муҳим ҳуқуқий белгисини ташкил этади.

Ҳап шундаки, қонун чиқарувчи у ёки бу қилмишни жиноят деб эълон қилар экан, у мазкур жиноятни назарда тутувчи ҳуқуқий норма мазмуни аҳолига тушунарли бўлиши учун уни содда, равои, аниқ, осон ва оддий тилда

баён қилишга ҳамда ушбу ҳуқуқий норманинг бошқа ҳуқуқий нормалар билан узвий мантиқий боғлиқлигини таъминлашга ҳаракат қилади, бошқача қилиб айтганда, қонун чиқариш техникасининг турли шакл ва усулларидан кенг фойдаланади. Натижада жиноят қонунида баъзи бир жиноятларга жиноят қонунининг бир бутун моддаси бағишланган бўлса, масалан, Жиноят кодексининг 99-моддасида онанинг ўз боласини қасддан ўлдирганлиги учун, 120-моддада бесоқолбозлик учун, 124-моддада болани алмаштириб қўйганлик учун, 179-моддада сохта тадбиркорлик учун, 229-моддада ўзбошимчалик учун жавобгарлик белгиланган ва бу моддалар алоҳида қисмларга ажратилмаган ҳамда фақат битта санкцияга эга. Бошқа жиноятларга жиноят қонуни битта моддасининг у ёки бу қисми бағишланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасида биратўла учта мустақил жиноят назарда тутилган: чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилганлиги учун жавобгарлик мазкур модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган. Худди шу модданинг учинчи қисмида эса чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан

Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг чет эл паспортларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чора кўрилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддасида эса иккита мустақил жиноят назарда тутилган: ушбу модданинг биринчи қисмида ёлғон гувоҳлик бериш учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш жиноятлари назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 241-моддасида ҳам иккита мустақил жиноий қилмиш баён қилинган: ушбу модданинг биринчи қисмида тайёргарлик қўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, мазкур модданинг иккинчи қисмида эса оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яширганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тегишли қилмишнинг жиноят қонуни алоҳида моддасида ёки битта моддасининг у ёки бу қисмида назарда тутилганлиги унинг мустақил жиноят эканлигига, мустақил жиноий қилмиш сифатида тавсифланишига путур етказмайди.

Жиноятлар мажмуи бир қанча жиноят содир этишнинг шакли сифатида уни ташкил қилувчи жиноий қилмишларнинг жиноят қонуни Махсус

қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилганлиги билан хавфли рецидив жиноят (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддаси иккинчи қисми) ва такроран жиноят содир этиш (Жиноят кодексининг 32-моддаси) дан фарқ қилади.

Жиноятлар мажмуининг учинчи муҳим ҳуқуқий белгиси шундан иборатки, унга кўра жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи икки ёки бир неча жиноятларнинг биронтаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди, яъни жиноятлар мажмуига кирувчи қилмишларнинг ҳар бири шахс судлангунга қадар содир этилади, ҳали суд томонидан Ўқоқама қилинмаган ва унинг юзасидан ҳали айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Шунинг учун ҳам шахс бир вақтнинг ўзида бир жиноят процессида жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи икки ёки бир неча жиноятлари учун жавобгарликка тортилади.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиётида жиноятлар мажмуи (жами)ни идеал ва реал турларига бўлиш қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясида Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишни турли вақтларда содир этиб, агар улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятларнинг реал жами дейилади. Масалан, шахс олдин ўғрилик жиноятини содир қилган бўлиб, жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари ўтмасдан безорилик жиноятини содир қилса, жиноятларнинг реал жамини ташкил қилади.



Жиноятларнинг идеал жами деганда Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишни бир вақтнинг ўзида (битта жиноий ҳаракат билан) содир қилиш тушунилади<sup>44</sup>. Жиноятларнинг идеал мажмуи юзасидан қуйидаги ҳаётий воқеа характерлидир. Хотинининг хиёнатидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига тушган А. исмли шахс хотинини ўлдиради ва унинг ўйнаши Р.га оғир тан жароҳати етказди. Юқорида баён ҳолатда А.нинг қилмишлари жларнинг идеал мажмуи тариқасида Жиноят кодексининг 98-моддаси (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш) ҳамда 25- ва 98-моддалари (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш) бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жиноятлар мажмуини идеал ва реал турларига ажратиш шахс жиноий фаолиятининг хусусияти ва қонунда қўрсатилган ҳуқуқий оқибатларга асосланган. Шахс жиноий фаолиятининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиноятларнинг идеал мажмуига қараганда реал мажмуида юқорироқ бўлади, чунки жиноятларнинг реал мажмуида шахс учун биринчи ва кейинги жиноятлар оралиғида ўз жиноий фаолиятини қайта баҳолашга ва тўғри йўлга қайтишга вақт ҳам, имконият ҳам кўпроқ бўлади, лекин у ўз жиноий ниятларидан қайтмайди ва жиноий фаолиятини давом эттиради.

---

<sup>44</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. -Т.: 1998, 172-173 б.

Жиноятлар мажмуини идеал ва реал турларига ажратиш амалдаги қонун ҳужжатларига кўра қатор ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Улар қуйидагилар:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисми “Н” бандига мувофиқ илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади. Қонуннинг ушбу қондаси мазмунига кўра жиноятларнинг реал мажмуи жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланса, жиноятларнинг идеал мажмуи бир вақтда содир этилган жиноятларнинг бирикувидан вужудга келиши сабабли ҳам жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб тан олинмайди;

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддасида жиноятларнинг идеал мажмуи ва реал мажмуи учун жавобгарликка тортиш муддатлари турлича белгиланган. Агар жиноятларнинг идеал мажмуига кирувчи барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддатлари бир вақтда — қилмиш содир этилган кундан бошланса, жиноятларнинг реал мажмуи учун жавобгарликка тортиш муҳлатлари олдинги (биринчи) жиноят Жиноят кодексининг 15-моддасига мувофиқ қандай жиноятлар тоифасига киришига қараб ҳал қилинади. Агар шахс содир этган олдинги (биринчи) жиноят оғир ёки ўта оғир жиноятлар тоифасига кирса ҳамда ушбу жиноятлар учун Жиноят кодексининг 64-моддасида белгиланган жавобгарликка тортиш

муддатлари (оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн беш йил) ўтмасдан шахс қасддан янги жиноят содир этса, унинг олдинги (биринчи) оғир ёки ўта оғир жинояти учун жавобгарликка тортиш муддатлари узилади. Бундай ҳолда шахсни жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб унинг олдинги ва кейинги жиноятлари учун бир вақтда қайтадан ҳисобланади;

3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш Жиноят кодекси 66-моддаси мазмунига кўра жиноятларнинг реал мажмуини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Чунки ушбу қоида қўлланилишининг муҳим шартларидан бири жиноятнинг биринчи марта содир этилишидир. Аксинча, агар шахснинг бир қилмиши билан Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки бир неча ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар содир қилинган бўлса, бундай шахс ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин;

4) жиноятларни идеал мажмуи тариқасида содир этган шахсларга нисбатан, агар бунинг учун қонунда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, Жиноят кодексининг 71-моддаси асосида чин кўнгилдан пушаймон

булганлиги муносабаги билан жазодан озод қилишни, Жиноят кодексининг

72-моддаси асосида эса шартли ҳукм қилишни қўллаш мумкин бўлади.

Аксинча, реал жами тариқасида содир этилган жиноятларга нисбатан бу қондаларни қўллаш мумкин эмас.

Энди жиноятлар мажмуининг алоҳида турлари (идеал мажмуи ва реал мажмуи)ни квалификация қилишда инобатга олиниши зарур бўлган баъзи бир ҳолатларга эътиборни қаратсак.

Жиноятларнинг идеал мажмуини квалификация қилишда уни таркибли жиноятлардан фарқлаш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, таркибли жиноятлар мураккаб ягона жиноятлар сирасига киради ва бошқа мураккаб ягона жиноятлардан жиноят таркибининг мажбурий элементларидан бири ҳисобланган объектнинг икки ёки ундан ортиқ бўлиши билан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддаларида таркибли жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Масалан, Жиноят кодексининг биргина 97-моддасининг иккинчи қисмида бир неча таркибли жиноятлар (“Е” бандида оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан одам ўлдириш; “З” бандида номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш; “Л”бандида безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш) учун жавобгарлик белгиланган. Таркибли жиноятнинг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, агар уни хаёлан таркибий қисмларга

ажратсак, у Жиноят кодекси Махсус қисмининг камида иккита моддасида (ёки моддаларининг қисмларида) назарда тутилган мустақил, ягона жиноятларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирган бўлади ва жиноятларнинг идеал мажмуига жуда ўхшаб кетади. Масалан, Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисми “Е”бандида назарда тутилган оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан одам ўлдириш жиноятини хаёлан таркибий қисмларга ажратсак, оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик Жиноят кодексининг 244-моддасида (мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги), қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарлик Жиноят кодекси 97-моддасининг биринчи қисмида (мазкур жиноятнинг объекти инсон ҳаёти) назарда тутилганлиги ва бу жиноятларнинг объектлари ҳар хил эканлигини аниқлаймиз.

Худди шундай ҳолатни Жиноят кодекси 97-моддаси иккинчи қисми “Л” бандида назарда тутилган безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича ҳам кўзатиш мумкин. Агар, ушбу жиноятни ҳам хаёлан таркибий қисмларга ажратсак, безорилик учун жавобгарлик Жиноят кодекси 277-моддасининг биринчи қисмида (мазкур жиноятнинг объекти жамоат тартиби, инсон соғлиғи ва ўзганинг мулки ҳисобланади), қасддан одам ўлдириш учун жавобгарлик Жиноят кодекси 97-моддасининг биринчи қисмида (мазкур жиноятнинг объекти инсон ҳаёти) назарда тутилганлигини ва бу жиноятларнинг объектлари ҳар хил эканлигини аниқлаймиз.

Юқорида келтирилган ҳар икки мисолда ҳам турли жиноятларнинг бирикуви жиноятларнинг идеал мажмуига ўхшаб кетса-да, қонун чиқарувчи томонидан бир бутун, ягона, мустақил жиноят сифатида баҳоланади ва қонунга кўра бошқа ягона жиноятларга қараганда қаттиқроқ жазога сазовор бўлади. Шунинг учун бундай ҳолат жиноят ҳуқуқи фанида қонунда назарда тутилган (руйҳатга олинган) жиноятларнинг идеал мажмуи деб ҳам аталади. Чунки бундай ҳолатларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья томонидан жиноятларнинг идеал мажмуи сифатида алоҳида квалификация қилинишига ҳожат қолмайди.

Бу эса, ўз навбатида, В.П.Малков таъкидлаганидек, тергов-суд идораларининг жиноят қонунини қўллаш юзасидан фаолиятини осонлаштиришга, жиноий-процессуал фаолият тежамини оширишга ва жиноят қонуни нормаларининг барча учун тушунарли бўлишига хизмат қилади<sup>45</sup>.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

а) агар шахснинг бир қилмиши натижасида бир неча жиноий оқибатлар юзага келиб, бу оқибатлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган бўлса, бундай қилмиш мураккаб таркибли жиноят деб ҳисобланади;

---

<sup>45</sup> В.П.Малков Совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета. 1974. с. 155.

б) агар шахснинг бир қилмиши натижасида бир неча жиноий оқибатлар юзага келиб, улар Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган бўлса, жиноятларнинг идеал мажмуи деб баҳоланади.

Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, амалдаги жиноят қонуни мазмунига кўра жиноятларнинг идеал мажмуи айбнинг ҳар иккала шаклида — ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларнинг бирикувидан юзага келиши мумкин.

Энди жиноятларнинг реал мажмуини квалификация қилишда эътиборни қаратиш лозим бўлган ҳолатларга тўхталсак.

Жиноятлар мажмуини тўғри квалификация қилишда жиноятларнинг идеал ва реал мажмуини бир-биридан фарқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг реал мажмуини идеал мажмуидан ажратиб турувчи қуйидаги белгиларни кўрсатадилар<sup>46</sup>:

1) шахс томонидан қонунга кўра ҳар бири жиноят мақомига эга бўлган икки ёки бир неча қилмишнинг содир этилиши. Демак, жиноятлар реал мажмуининг мажбурий белгиларидан бири шахс томонидан камида иккита жиноий қилмишнинг содир этилишидир.

---

<sup>46</sup> Яковлев А.М. Совокупность преступлений по советскому уголовному праву. М., 1960. с. 77-78. Дурманов Н.Д. Ответственность при совокупности преступлений по советскому уголовному законодательству. - Соц.законность. 1937. №8. с.86. В.Н.Кудрявцев. Общая теория квалификации преступлений. М., 1972. с. 299. Малков В.П. Совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета. 1974. с. 194-196.

Бунда иккита ҳолат, бир томондан, мазкур қилмишларнинг ҳар бири мустақил жиноят сифатида Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг алоҳида қисмида назарда тутилганлиги ва, иккинчи томондан, мазкур қилмишлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилганлиги талаб қилинади.

2) жиноятлар реал мажмуининг мажбурий белгиларидан яна бири унинг таркибига кирувчи жиноий қилмишларнинг турли вақтларда ва кетма-кет содир этилишидир.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари таққосланганда, тергов-суд идоралари фаолиятида жиноятларнинг реал мажмуи идеал мажмуига қараганда қарийиб 20 марта кўп ҳолатларда учраши ва жиноятларнинг реал мажмуини квалификация қилиш идеал мажмуига ҳуқуқий баҳо беришга қараганда анча осон кўчиши аниқланди<sup>47</sup>.

Жиноятларнинг реал мажмуини тўғри квалификация қилиш ва уни мураккаб ягона жиноятлардан фарқлаш мақсадида жиноят ҳуқуқи назариясида реал мажмуи тариқасида содир қилинган жиноятларни муайян турларга ажратиш қабул қилинган. Бу соҳада кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган тасниф А.М.Яковлев томонидан берилган<sup>48</sup>. У жиноятларнинг реал мажмуини иккита турга

<sup>47</sup> Малков В.П. С совокупность преступлений. Изд-во: Казанского университета. 1974. с. 194.

<sup>48</sup> Яковлев А.М. С совокупность преступлений по советскому уголовному праву. М. 1960. с. 82



1) бир-бири билан муайян тарзда боғланган жиноятларнинг реал мажмуига;

2) айнан бир шахс томонидан содир этилганлиги билангина боғланган жиноятларнинг реал мажмуига бўлади. А.М.Яковлев томонидан берилган таснифга В.П.Малков янада аниқлик киритади ва бир-бири билан муайян тарзда боғланган жиноятларнинг реал мажмуини яна бешта бўлакка ажратади<sup>49</sup>. Улар қуйидагилар:

а) бири бошқа жиноятнинг содир этилишига шароит яратиб берувчи жиноятларнинг реал мажмуи. Бундай жиноятларнинг мажмуига қуйидаги жиноятларнинг бирикувини мисол тариқасида келтириш мумкин. Транспорт воситасини олиб қочиш (Жиноят кодексининг 267-моддаси) мобайнида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (Жиноят кодексининг 266-моддаси); тегишли руҳсатномасиз ўқотар қурол яшаш (Жиноят кодексининг 248-моддаси) ва унинг ёрдамида босқинчилик (Жиноят кодексининг 164-моддаси) жиноятини содир этиш. Давлатимиз суд идораларининг амалиётида ҳам бундай жиноятларнинг бирикуви жиноятлар мажмуи тариқасида баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1999 йил 30- апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жинояти ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 7-

<sup>49</sup> Малков В.П. С совокупность преступлений. Изд-во. Казанского университета. 1974. с. 209-213.

моддаси туртинчи қисмида шундай дейилади: “Босқинчилик жараёнида айбдор томонидан руҳсатнома талаб қилинадиган ўқотар қурол ишлатилганда ҳамда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни (портловчи, заҳарли моддаларни ва ҳ.к.) ишлатиб босқинчилик содир этилганда, унинг ҳаракатларини ушбу жиноятлар мажмуи билан тавсифлаш лозим”;

б) бири бошқа жиноятни содир қилиш усули ёки воситаси ҳисобланадиган жиноятларнинг реал мажмуи. Бунга расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш (Жиноят кодексининг 228-моддаси) ва қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш (Жиноят кодексининг 223-моддаси)ни мисол келтириш мумкин.

в) бири бошқа бирор жиноятни яшириш ёки бошқа бирор жиноят учун жавобгарликдан қутулиш мақсадида содир қилинган жиноятларнинг реал мажмуи. Бунга транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш натижасида жабрланувчига оғир шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 266-моддаси) ва ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган жабрланувчига ёрдам бермаслик (Жиноят кодексининг 117-моддаси) жиноятини мисол келтириш мумкин. Бундан ташқари, ўғрилик жиноятини (Жиноят кодексининг 169-моддаси) содир этиб бўлгач, жавобгарликдан қутулиш мақсадида

жабрланувчини қўрқитиш (Жиноят кодексининг 112-моддаси) каби жиноятлар мисол бўлади.

Давлатимиз суд идораларинг мазкур тоифадаги ишларни муҳокама қилиш юзасидан амалиётни ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1999 йил 30-апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жинояти ишлари бўйича амалиёт тўғрисида”ги қарорнинг 2-моддаси иккинчи қисмида шундай дейилади: “Зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож тугагандан кейин қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат талончилик ёки босқинчилик деб қаралмайди. Зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғрилик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш лозим”.

г) тажовуз вақти ва жойи ўхшаш жиноятларнинг реал мажмуи. Бундай жиноятларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин. Шахс аввал номусга тегиш жиноятини (Жиноят кодексининг 118-моддаси) содир этиб, сўнг жабрланувчининг буюмларини очиқдан-очиқ талон-тарож (Жиноят кодексининг 166-моддаси) қилади. Ёки шахс автомашинани олиб қочади (Жиноят кодексининг 267-моддаси) ва уни ҳеч ким кўрмайдиган ерга олиб

келиб, эҳтиёт қисмларини ечиб олади (Жиноят кодексининг 169-моддаси) ва автомашинани ташлаб қочиб кетади.

д) тажовуз мотиви ўхшаш жиноятларнинг реал мажмуи. Бундай турдаги жиноятлар турли вақтларда содир этилиши боис уларни бир-биридан фарқлаш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Масалан, шахс аввал ўғрилик (Жиноят кодексининг 169-моддаси), бир ойдан сўнг эса босқинчилик (Жиноят кодексининг 164-моддаси) содир этади. Ҳар иккала жиноятнинг мотивини ҳам фарзгўйлик нияtlари ташкил қилади.

Энда айнан бир шахс томонидан содир этилганлиги билангина боғланган жиноятларнинг реал мажмуи масаласига келсак, уларни мураккаб ягона жиноятлардан фарқлашда қийинчиликлар бўлмайди. Масалан, А. исмли шахс аввал харидорларни алдаш (Жиноят кодексининг 187-моддаси) жиноятини, сўнгра эса қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 105-моддаси) жиноятини содир этади. Бу икки жиноятнинг реал мажмуи тариқасида содир этилганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

### Жиноятлар мажмуини жиноий-ҳуқуқий

#### нормалар рақобатидан фарқлаш

Содир қилинган қилмишни тўғри квалификация қилишда жиноятларнинг идеал мажмуини жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобатидан фарқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятлар идеал мажмуи тушунчаси ўзининг айрим жиҳатлари билан жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобати

тушунчасига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам тергов-суд амалиётида уларни қўллаш юзасидан хато ва камчиликлар учраб туради. Хўш, жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобати ўзи нима ва у жиноятларнинг идеал мажмуидан нималари билан фарқ қилади? Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунида жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобатига таъриф берилмаган, шунинг учун ҳам у жиноят ҳуқуқи фани ва тергов-суд амалиёти томонидан ёритилади.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»<sup>50</sup>да кўрсатилишича, «рақобат» сўзи басма-басликка беллашув, ким ўзди; талабгорлар, рақиблар кураши маъноларини билдиради.

«Беллашув», «кураш» сўзларини мантиқ қондаларига асосан талқин қилсак, бундай жараёнда кам деганда иккита шахс ёки нарса иштирок этишини англаймиз. Қолаверса, жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобати атамасида «норма» сўзи ҳам кўплик сонидан қўлланган, «Рақобат» сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобати тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобати деганда содир қилинган айти бир жиноий қилмишнинг бир вақтнинг ўзида жиноят қонунида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг белгиларига эга бўлиши ҳолатлари тушунилади.

<sup>50</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. 1 том. Москва. «Рус тили» нашриёти, 1981, 618-бет.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳуқуқий нормалар рақобатининг қуйидаги

турларини фарқлайдилар:

- 1) умумий ва махсус норма рақобати;
- 2) махсус норманинг махсус норма билан рақобати;
- 3) бутун ва қисм рақобати.

Энди юқорида келтирилган нормалар рақобатининг ҳар бир турига алоҳида тўхталиб ўтамыз.

1. Умумий ва махсус норма рақобати жиноят ҳуқуқи муҳофазасига олинган ижтимоий муносабатлар ҳаммага кўра вужудга келади. Умумий норма муайян доирадаги жиноятларнинг ҳар бири учун хос бўлган белгиларни ўз ичига олиб, каттароқ ҳажмдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга мўлжалланган бўлса, махсус норма умумий норма билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг жузъий жиҳатларини алоҳида тартибда меъёрлашга қаратилган. Қонун чиқарувчи умумий норма билан бир қаторда махсус нормани ҳам жорий қилар экан, содир этилган муайян қилмиш учун умумий нормадагига қараганда оғирроқ жазони қўллашни белгилаб қўяди ва буни мазкур жиноий қилмишлар учун жиноят тартибларини тузишда инобатга олади. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи умумий ва махсус нормаларни жорий қилишда содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини назарда тутаяди ва буни муайян қилмишлар доираси учун жавобгарлик белгилашда ҳисобга олади ҳамда шунга мос

равишда жиноятларнинг умумий (оддий), оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи (имтиёзли) таркибларини тузади. Масалан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмом қилиш (Жиноят кодекси 205-моддаси) пора оляш жинояти (Жиноят кодекси 210-моддаси)га нисбатан умумий норма ҳисобланади, чунки пора олиш ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмом қилиш жиноятининг жузъий кўринишидир. Ёки Жиноят кодексининг 164-моддаси биринчи қисмида босқинчилик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг умумий (оддий) таркиби берилган бўлса, худди шу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида мазкур жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи таркиблари мужассамлашган. Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи умумий нормага нисбатан махсус нормани жорий қилишда уларни ифода этишнинг турли шаклларидан фойдаланади. Айрим ҳолатларда умумий ва махсус нормаларни Жиноят кодексининг алоҳида моддалари шаклида ифода этса (Жиноят кодексининг 205- ва 210-моддалари), бошқа ҳолатларда Жиноят кодекси бир моддасининг турли қисмлари шаклида ифода этади (Жиноят кодексининг 164- моддаси биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари).

Энди умумий ва махсус нормалар рақобати ҳақида тушунчага эга бўлганимиздан кейин «улар ўртасида рақобат юзага келганда қандай ҳал қилиниши лозим?» - деган саволга жавоб беришимиз зарур. Давлатимизнинг

амалдаги жиноят қонунида ушбу саволга жавоб берилмаган. Аммо жиноят ҳуқуқи назарияси ва тергов-суд амалиётида қабул қилинган қоидага кўра, умумий ва махсус нормалар рақобати юзага келганда, содир қилинган жинойи қилмиш учун жавобгарлик махсус норма асосида белгиланади. Бизнинг фикримизча, ушбу қонданинг давлатимиз жиноят қонунига киритилиши қонунийлик ва одиллик принципларининг тантана қилишига хизмат қилган бўлар эди. Бу масала юзасидан Россия Федерациясининг 1996 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси 17-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоида ибратли ҳисобланади. Унга кўра «агар жиноят умумий ва махсус нормаларда назарда тутилган бўлса, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди ва жинойи жавобгарлик махсус норма бўйича белгиланади».

2. Махсус норманинг махсус норма билан рақобати қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

а) оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи нормаларнинг ўзаро рақобати;

б) оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норманинг енгиллаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норма билан рақобати;

в) енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи норма (имтиёзли таркибли жиноят)ларнинг ўзаро рақобати.

Оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи нормаларнинг ўзаро рақобатига ўта хавфли рецидивист томонидан жуда кўп миқдорда такроран



талончилик жиноятининг содир этилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки ушбу мисолда талончилик жиноятини оғирлаштирувчи ўта ҳолат - такрорий талончилик (Жиноят кодекси 166-моддаси учинчи қисми «а» банди) ўта хавфли рецидивист томонидан (Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «б» банди) жуда кўп миқдорда (Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «а» банди) содир этилиши бир вақтда юз беради ва ўта норма ўртасида рақобат юзага келади. Ҳуқуқий нормалар рақобатининг ушбу турини бартараф қилиш усули давлатимиз Жиноят кодекси 33-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган. Унга кўра «шахс содир этган қилмишда ушбу кодекс махсус қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади». Демак, биз юқорида келтирган мисол бўйича талончилик учун жавобгарлик Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми бўйича белгиланади.

Оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норманинг енгиллаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норма билан рақобати юзага келганда, қилмиш енгиллаштирувчи ҳолат назарда тутилган модда ёки модданинг қисми билан баҳоланиши лозим. Масалан, шахс кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан икки ёки ундан ортиқ шахсни ўлдирса, Жиноят кодекси 97-моддаси иккинчи қисми «а» банди ва Жиноят кодекси 98-моддаси ўртасида рақобат

\*  
вужудга келади. Бундай ҳолатда юқорида баён қилинган қоидага мувофиқ жавобгарлик Жиноят кодекси 98-моддаси бўйича белгиланади.

Оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норма билан енгиллаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норма ўртасида рақобат юз берганда, енгиллаштирувчи ҳолатни назарда тутувчи норма бўйича жавобгарлик белгиланиши давлатимиз Олий Суди Пленуми қарорларида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 20-декабрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги қарорининг еттинчи бандида «Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш тажовузчининг ўлимига олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик оқибатида юз берган бўлса, Жиноят кодексининг 107-моддаси билан тавсифланиши керак»<sup>51</sup>, дейилган.

Енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутувчи нормаларнинг ўзаро рақобати юз берганда энг енгил жазони назарда тутувчи нормага устиворлик берилади. Масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма (Жиноят кодекси 98-моддаси) билан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма (Жкнинг 100-

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997. Икки жилдли. 1-жилд. Т., «Шарқ», 1997. 71-бет.

моддаси) ўртасида рақобат юзага келса, жавобгарлик ЖКнинг 100-моддаси бўйича белгиланади, чунки ушбу моддада Жиноят кодексининг 98-моддасига қараганда енгилроқ жазо назарда тутилган.

3. Бутун ва қисм рақобати деганда содир қилинган айни бир жиноий қилмишнинг бир вақтнинг ўзида жиноят қонунида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ нормаларнинг белгиларига эга бўлиши ва бунда ушбу нормаларнинг бири мазкур қилмишни тўлиқ қамраб олиши, иккинчиси эса унинг фақат бир қисмини ўзида ифода этиши тушунилади.

Агар умумий ва махсус нормалар рақобати жиноят ҳуқуқи муҳофазасига олинган ижтимоий муносабатларининг ҳажмига кўра вужудга келса, бутун ва қисм рақобати ижтимоий муносабатларнинг мазмунига кўра вужудга келади. Демак, бутун ва қисм рақобатига кўра бир жиноий-ҳуқуқий норма муайян ижтимоий муносабатни тўлиқ тартибга солишга қаратилган бўлса, иккинчи бир жиноий-ҳуқуқий норма айнан ўша ижтимоий муносабатнинг фақатгина бир қисмини тартибга солади, холос. Шунинг учун ҳам бутун ва қисм рақобати вужудга келганда, жавобгарлик содир этилган жиноий қилмишни тўлиқ тартибга солишга қаратилган норма бўйича белгиланади. Ушбу қоида ЖКда тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлса-да, у жиноят ҳуқуқининг қонунийлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Бутун ва қисм рақобати турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Бутун ва қисм рақобатини турларга бўлишда жиноят таркиби белгилари асос қилиб олинади<sup>52</sup>. Жиноятнинг объекти бўйича бутун ва қисм рақобатига эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (Жиноят кодекси 102-моддаси) билан сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш натижасида одам ўлишига сабаб бўлиш (Жиноят кодекси 186-моддаси иккинчи қисм) жиноятлари ўртасида вужудга келадиган рақобатни мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу мисолда Жиноят кодекси 186-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган норма Жиноят кодексининг 102-моддасида кўрсатилган нормага нисбатан махсус ҳисобланади. Жиноят кодексининг 186-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят объекти Жиноят кодексининг 102-моддасида кўрсатилган жиноят объектига нисбатан тўлиқроқ берилган ва 102-моддада кўрсатилган жиноят фақат инсон ҳаётига тажовуз қилса, 186-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жиноят нафақат инсон ҳаётига тажовуз қилади, балки хўжалик фаолиятини ҳам издан чиқаради. Жиноятнинг объекти бўйича бутун ва қисм рақобатига хокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (Жиноят кодекси 205-моддаси) билан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш (Жиноят кодекси 167-моддаси учинчи қисми «в» банди) жиноятлари ўртасидаги рақобатни ҳам мисол қилиш мумкин. Келтирилган ҳар икки мисолда ҳам рақобат бутун нормалар (Жиноят

---

<sup>52</sup> Бутун ва қисм рақобатининг турлича кўринишлари В.Н.Кудрявцев томонидан батафсил ёритилиб берилган. Қаранг: В.Н.Кудрявцев. Общая теория квалификации преступлений. М. «Юридическая литература», 1972, ст. 258-270

кодексининг 186-моддаси иккинчи қисми ва 167-моддани учинчи қисми «в» банди) асосида бартараф қилинади.

Жиноятнинг объектив томони бўйича бутун ва қисм рақобати айнан бир объектга қарши қаратилган тажовузларни назарда тутувчи нормалар доирасида вужудга келади. Масалан, босқинчилик жиноятининг таркиби (Жиноят кодекси 164-моддаси) талончилик жиноятининг таркиби (Жиноят кодекси 166- моддаси)га нисбатан тўлиқроқ ҳисобланади ёки давлат сирларини ошкор қилиш (Жиноят кодекси 162-моддаси) жиноятининг таркиби давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (Жиноят кодекси 163-моддаси) жиноятининг таркибига нисбатан тўлароқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шахс томонидан содир этилган айнан бир қилмишда ҳам босқинчиликнинг, ҳам талончиликнинг белгилари бир вақтда мавжуд бўлса, бундай қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланмайди, балки ушбу қилмишнинг барча белгиларини тўлиқ ўз ичига олган босқинчилик деб баҳоланади, холос. Ёки шахс томонидан содир этилган айнан бир қилмишда ҳам давлат сирларини ошкор қилиш, ҳам давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш жиноятларининг белгилари мавжуд бўлса, жинойий жавобгарлик мазкур ижтимоий муносабатни тўлароқ қамраб олган давлат сирларини ошкор қилиш (Жиноят кодекси 162-моддаси) бўйича белгиланади.

Жиноятнинг объектив томони бўйича вужудга келадиган бутун ва қисм рақобатини бартараф қилиш усуллари республикамиз Олий Суди Пленумининг муайян жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақидаги қарорларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Олий Суд Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг учинчи бандида кўрсатилганидек, «айбдор транспорт воситасини ўзининг шахсий мулкига айлантириш мақсадини кўзлаган ҳолда олиб қочганда, унинг ҳаракатлари ўзганинг мулкини ўғрилаганлик учун жавобгарликни белгилловчи Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан тавсифланиши лозим. Бу ҳаракатларни Жиноят кодексининг 267-моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди, чунки бу ҳолатларда транспортни олиб қочиш ўғрилашнинг усули (воситаси) ҳисобланади»<sup>53</sup>.

Жиноятнинг объектив томони бўйича вужудга келадиган бутун ва қисм рақобати таркибли жиноятларни баҳолашда, айниқса, кўп учрайди. Таркибли жиноят тушунчаси қонунда берилмаган. Жиноят ҳуқуқи назариясида эса таркибли жиноят деганда икки ёки ундан ортиқ оддий ягона жиноятларнинг белгиларини ўз ичига олган мураккаб ягона жиноят тушунилади<sup>54</sup>. Мураккаб

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997. Икки жилдли. 1-жилд. Т., «Шарқ», 1997. 65-бет.

<sup>54</sup> Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т., Адолат. 1998. 152-153-бетлар. Н.Ф.Кузнецова. Значение преступных последствий для уголовной ответственности. М., 1958. с. 117. В.П.Малков. Совокупность преступлений. Изд-во Казанского университета. 1974. с. 92-110. Мураккаб ягона жиноят тушунчаси ва турлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: М.Ҳ.Жиянов.

таркибли жиноятга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддасида назарда тутилган босқинчилик жинояти мисол бўла олади. Чунки босқинчилик жинояти бир вақтнинг ўзида жиноят қонунида алоҳида-алоҳида назарда тутилган иккита мустақил оддий ягона жиноятларнинг, яъни мулкни талон-тарож қилиш (Жиноят кодексининг 166- ёки 169-моддаларида назарда тутилган талончилик ёки ўғрилик) билан баданга ўртача ~~оғир~~ шикаст етказиш (Жиноят кодексининг 105-моддаси) жиноятларининг белгиларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бу икки жиноятни жиноятлар мажмуи тариқасида баҳолашга ҳожат йўқ.

Бутун ва қисм рақобатини вужудга келтирадиган таркибли жиноятга безорилик (Жиноят кодексининг 277-моддаси)ни ҳам мисол қилиш мумкин. Безорилик жиноятида бир вақтнинг ўзида бир неча мустақил оддий ягона жиноятлар (ҳақорат қилиш – Жиноят кодексининг 140-моддаси, дўппослаш – Жиноят кодексининг 109-моддаси, ўзганинг мулкига шикаст етказиш – Жиноят кодексининг 173-моддаси)нинг белгилари мужассамлашган бўлса-да, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди. Чунки, шахс содир этган бундай қилмишни бошқа бирорта жиноят (у на ҳақорат қилиш бўлсин, на баданга енгил шикаст етказиш бўлсин ва на ўзганинг мулкига шикаст етказиш бўлсин) безорилик таркиби сингари тўлиқ қамраб ола олмайди.

---

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мураккаб ягона жиноят тушунчаси. Фарғона Давлат Университети. Илмий хабарлар. 1997. 3- 4 сон. 30- 32 бет.

Жиноят содир қилиш мақсади бўйича ҳам бутун ва қисм рақобати вужудга келиши мумкин. Агар шахс мулкни Ўзбекистон Республикасининг иқтисодийётига путур етказиш мақсадида нобуд қилса, унинг қилмишини Жиноят кодексининг 173-моддаси (мулкни қасддан нобуд қилиш) билан эмас, балки Жиноят кодексининг 161-моддаси (қўпоровчилик) билан баҳолаш лозим.

Жиноят субъекти бўйича вужудга келадиган бутун ва қисм рақобатига муайян жиноятнинг умумий таркиби билан айнан шу жиноятнинг хавфли ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилишини назарда тутувчи таркиб ўртасида вужудга келадиган рақобатни мисол қилиш мумкин. Масалан, ўғрилик ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 169-моддасининг биринчи қисми бўйича эмас, балки шу модданинг тўртинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Бутун ва қисм рақобати жиноят таркибининг бир неча белгилари бўйича ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, Жиноят кодекси 104-моддаси учинчи қисми «д» банди (қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса) Жиноят кодекси 97-моддаси биринчи қисми (қасддан одам ўлдириш) билан ҳам объект (инсон ҳаёти), ҳам субъектив томон (қасд) бўйича рақобатлашади.

Бутун ва қисм рақобатини жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш билан боғлиқ бўлган ишларда ҳам кузатиш



мумкин. Умумий қондага мувофиқ тамом бўлган жиноятни назарда тутувчи норма жиноят содир этишга суиқасд қилишни назарда тутувчи нормага нисбатан тўлиқроқ ҳисобланади. Ўз навбатида, жиноятга суиқасд учун жавобгарликни назарда тутувчи норма ҳам жиноятга тайёргарлик кўриш учун жавобгарликни назарда тутувчи нормага нисбатан тўлиқроқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят содир қилишнинг кейинги босқичи олдинги босқични қамраб олади ва иккита босқични алоҳида-алоҳида, жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилишга ҳожат қолмайди.

Энди юқорида баён қилинган барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда жиноятлар мажмуи билан жиний-ҳуқуқий нормалар рақобати ўртасида қандай фарқлар мавжудлиги юзасидан хулоса қилсак. Бизнинг фикримизча, бу икки тушунча ўртасидаги фарқ шахс томонидан содир қилинган қилмиш жиноят қонуни бўйича нечта норма билан қамраб олинishi ва нечта жиноят деб тан олинishiда яққол намоён бўлади. Агар жиний-ҳуқуқий нормалар рақобатида шахс томонидан содир этилган қилмиш аввалига бир неча нормалар ёрдамида тартибга солинадиган бўлиб туюлса-да, охир-оқибатда бир жиний-ҳуқуқий норма билан қамраб олинishi ва жиноят қонунida ягона мустақил жиноят деб баҳоланиishi аён бўлади. Жиноятлар (идеал) мажмуида эса шахс содир этган бир қилмиш кам деганда иккита жиний-ҳуқуқий норма билан қамраб олинади ва жиноят қонунida икки ёки ундан

ортиқ ягона мустақил жиноятлар сифатида алоҳида-алоҳида назарда тутилади.

“Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида жиноятлар мажмуи учун жавобгарлик масалалари” боби бўйича такрорлаш учун назорат саволлари:

1. Жиноятлар мажмуига таъриф беринг ва унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг?
2. Жиноятлар мажмуининг қандай турлари бор?
3. Жиноятларнинг идеал мажмуига таъриф беринг ва унга мисол келтиринг?
4. Жиноятларнинг реал мажмуига таъриф беринг ва унга мисол келтиринг?
5. Жиноятлар мажмуининг таркибли жиноятлардан фарқларини аниқланг?
6. Жиноятлар мажмуи қандай жиноятларнинг бирикувидан юзага келади?
7. Судланганлик тушунчасининг жиноятлар мажмуига қандай алоқаси бор?
8. Жиноятлар мажмуи қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?
9. Жиноятлар мажмуини такроран содир этилган жиноятлар ва рецидив жиноятлардан фарқланг?
10. Жиноятлар мажмуи жиноий-ҳуқуқий нормалар рақобатидан қандай фарқланади?
11. Умумий норма билан махсус норма рақобатини таҳлил қилинг?
12. Махсус норманинг махсус норма билан рақобатига мисоллар келтиринг?
13. Бутун ва қисм рақобатига мисоллар келтиринг?

## жиноят учун жавобгарлик масалалари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят ҳуқуқига мувофиқ рецидив жиноятлар бир қанча жиноят содир этишнинг энг хавfli шакли ҳисобланади, чунки рецидив жиноятларда бир қанча жиноят содир этишнинг бошқа шакллари (такроран жиноят содир этиш ва жиноятлар мажмуи)га қараганда шахсдаги жинoий ниятларнинг барқарорлиги, жиноятчининг тўғри йўлга қайтишни қатъиян истамаслиги, унинг жамиятда ўрнатилган тартибларга нисбатан ўта ҳурматсизлик муносабатида бўлиши янада кўполроқ шаклларда намоён бўлади. Бу эса рецидив жиноятларнинг ижтимоий хавfliлик даражаси юқори эканлигидан далолат беради ва уларга қарши кураш чораларини кучайтириш зарурлигини белгилаб беради.

Рецидив жиноятлар учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг долзарб муаммоларидан бири ҳамдир. Чунки давлатимизнинг янги жиноят қонуни қабул қилиниши муносабати билан рецидив жиноятлар тушунчасига талайгина ўзгартиришлар киритилган бўлишига қарамай, жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу муаммага етарлича эътибор қаратилмаган йўқ. Рецидив жиноятларга оид мавжуд қилабиларнинг кўпчилилик қисми эса совет жиноят ҳуқуқи руқида ёзилган, бу эса мустақил Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи манфаатларига тўғри келмайди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда рецидив жиноятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида рецидив жиноятлар содир қилганлик учун табақалаштирилган жавобгарлик белгиланган. Рецидив жиноятлар учун жавобгарликни табақалаштириш, ўз навбатида, рецидив жиноятларни қонун йўли билан таснифлаш (классификация қилиш)да намоён бўлади. Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ рецидив жиноятлар уч турга бўлинади:

1. Оддий рецидив жиноят.
2. Хавfli рецидив жиноят.
3. Ўта хавfli рецидив жиноят.

1. Оддий рецидив жиноят тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддасининг биринчи қисмида мустаҳкамланган. Унга кўра “шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади”. Юқорида баён қилинган таърифдан келиб чиққан ҳолда оддий рецидив жиноятнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- а) шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги;
- б) шахс илгари (олдинги) ва янги (кейинги) содир этган жиноятларининг қасддан содир этганлиги;

в) шахснинг судланганлик мuddати тугамасдан ёки судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиши.

Энди оддий рецидив жиноятнинг юқорида санаб ўтилган ҳар бир ҳуқуқий белгисига алоҳида-алоҳида тавсиф бериб ўтамиз.

Шахснинг илгари содир этган жинояти учун судланганлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси ва 77-моддалари талаблари асосида ҳал қилинади. Жиноят кодексининг 14-моддаси асосида қилмишнинг жинойиблиги ва жазога сазоворлиги аниқланса, мазкур қонуннинг 77-моддасига мувофиқ шахснинг судланганлиги белгиланади.

Шахснинг судланганлиги рецидив жиноятларнинг муҳим белгиси сифатида уни бир қанча жиноятларнинг бошқа шакллари (жиноятлар мажмуи ва такроран жиноят содир этиш)дан фарқлашга хизмат қилади.

Шахс илгари ва янги содир этган жиноятларнинг қасдан содир этилганлиги Жиноят кодексининг 21-моддаси қондалари асосида ҳал қилинади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунига мувофиқ фақатгина қасдан содир этилган жиноятларгина рецидив жиноятларни ташкил қилиши мумкин. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар рецидив жиноятларни ташкил қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятлар Жиноят кодекси 34-моддасида белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқара олмайди.

Рецидив жиноятларнинг учинчи муҳим ҳуқуқий белгиси ҳисобланган шахснинг судланганлик муддати тугамасдан ёки судланганлиги белгиланган ~~ҳақиқатда~~ ташланмасдан янги жиноят содир этиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-80-моддалари ва юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Жиноят кодекси 14-моддаси талаблари асосида ҳал қилиниши лозим.

Оддий рецидив фақат бир турдаги ёки ҳар хил турдаги жиноятларнинг бирикувидан юзага келиши мумкин. Фақат бир турдаги жиноятларнинг бирикувидан вужудга келадиган оддий рецидивга қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Шахс олдин Жиноят кодекси 192-моддасида назарда тутилган жинояти учун ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, судланганлик муддати ўтмасдан яна ушбу моддада кўрсатилган жиноятни содир этади. Ҳар хил турдаги жиноятларнинг бирикувидан вужудга келадиган оддий рецидивга қуйидагича мисол тузиш мумкин. Шахс олдин Жиноят кодексининг 169-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, жазони ўташ мобайнида озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан қочади (Жиноят кодекси 222-моддаси биринчи қисми).

Давлатимизнинг амалдаги жиноят қонунига мувофиқ оддий рецидивнинг мавжудлиги ҳар хил ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Агар у Жиноят кодекси 56-моддаси биринчи қисмининг “Н” бандига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилса, Жиноят

кодексининг 60-моддасига мувофиқ бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда алоҳида тартибни келтириб чиқаради. Жиноят кодексининг 69-моддаси учинчи қисмига мувофиқ оддий рецидив жиноятнинг содир этилиши жазони ижро этиш муддати ўтишини узса, жиноят қонуни 71-моддаси биринчи қисмига мувофиқ оддий рецидив жиноятнинг мавжудлиги айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилишга монелик қилади. Мазкур қонуннинг 72-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ эса шартли жазо белгилаш учун тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, рецидив жиноятнинг мавжудлиги Жиноят кодексининг 73-моддаси учинчи қисми “Б” бандига кўра шахсни жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш учун суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўташни талаб этади. Жиноят кодексининг 74-моддаси учинчи қисми “Б” бандига мувофиқ жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш учун суд тайинланган жазо муддатининг камида ярми ўталган бўлишини талаб қилади. Жиноят кодекси 50-моддаси талабаларига мувофиқ рецидив жиноятнинг содир этилиши озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо тайинлашда жазони ижро этиш колонияси турини аниқлашга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, рецидив жиноятнинг мавжудлиги қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

2. Хавфли рецидив жиноят тўшунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддаси иккинчи қисмида берилган. Унга кўра

илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, Жиноят кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавfli рецидив жиноят деб топилади. Биз юқорида таърифлаб берган оддий рецидив жиноятга хос бўлган белгилар хавfli рецидив жиноятга ҳам тўлиғича тегишли эканлигини таъкидлаб ўтган ҳолда хавfli рецидивнинг оддий рецидивдан фарқловчи белгилар куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, оддий рецидивнинг ҳуқуқий оқибатлари асосан жазо тайинлаш жараёнида намоён бўлса, хавfli рецидивнинг ҳуқуқий оқибатлари янги содир қилинган жиноятни квалификация қилиш жараёнидаёқ намоён бўла бошлайди, яъни хавfli рецидив қонун чиқарувчи томонидан айрим жиноят таркиблари учун баҳоланадиган зарурий белги (нафақат жазони оғирлаштирувчи ҳолат, балки жавобгарликни ҳам оғирлаштирувчи ҳолат) сифатида таърифланади ва Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддасининг қисми (масалан, Жиноят кодексининг 248-моддасининг иккинчи қисми) ёки муайян моддаси қисмининг банди (масалан, Жиноят кодексининг 188-моддасининг иккинчи қисми “А” банди) сифатида ифодаланади. Қонун чиқарувчи мазкур ҳолатларни Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида ифода этиш учун “хавfli рецидивист томонидан”, “илгари



ушбу Кодекснинг... — моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан” каби жумлалардан фойдаланилади.

Иккинчидан, қонун чиқарувчи қандай турдаги жиноятларнинг бирикувидан хавфли рецидив пайдо бўлишини аниқ белгилаб қўйган. Агар оддий рецидив шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмасдан ёки тугалланмасдан туриб ҳар қандай турдаги янги жиноятни қасддан содир этишни тақозо этса, хавфли рецидив юзага келиши учун амалдаги жиноят қонунда жиноятлар бирикувининг ўзгача турлари назарда тутилган. Улар қуйидагилар:

а) шахснинг илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноятни содир этиши хавфли рецидив жиноят деб баҳоланади. Амалдаги жиноят қонунда “ўхшаш жиноят” тушунчасига таъриф берилмаган. Лекин Жиноят кодексининг 34-моддаси иккинчи қисми мазмунини грамматик ва мантиқий қоидалар асосида талқин қилсак, қонун чиқарувчи “ўхшаш жиноят” деганда жиноят қонуни Махсус қисми бир моддасида кўрсатилган жиноятни назарда тутишини аниқлаймиз. Чунки “ўхшаш” сўзи ўз луғавий маъносига кўра “каби, монанд, худди, сингари” маъноларни англатади. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 34-моддаси иккинчи қисмида қонун чиқарувчи “Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахс..” жумласини қўллар экан, ўз тартиб рақамига кўра ёки олдинда ёки кейинда турган моддаларни назарда тутади. Қолаверса, Жиноят кодексининг 34-моддаси

иккинчи қисмининг русча таҳририда қонун чиқарувчи “тождественное преступление”, яъни “айнан ўхшаш жиноят” атамасини қўллайди. Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 34-моддаси иккинчи қисми мазмунига кўра муайян жиноятни ўхшаш жиноят деб тан олиш учун унинг Махсус қисм битта моддасида назарда тутилганлиги кифоя, бунда муайян модданинг қисмларга бўлинганлиги аҳамият касб этмайди;

б) Жиноят кодексига алоҳида кўрсатилган ҳолларда Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши ҳам хавfli рецидив жиноят деб баҳоланиши мумкин. Қонун чиқарувчи бундай алоҳида кўрсатилган ҳолларни Махсус қисмнинг тегишли моддаларида “илгари ушбу Кодекснинг... — моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан” каби жумлалар ёрдамида ифодалайди.

Жиноят қонун мазмунига кўра қасддан содир қилинган янги жиноятни хавfli рецидив жиноят деб баҳолаш чоғида шахснинг олдинги содир этган жинояти учун қандай турдаги жазога ҳукм қилинганлиги ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Муҳими Жиноят кодексининг 69-моддасида назарда тутилган жазони ижро этиш муддатлари ёки Жиноят кодексининг 78-моддасида кўрсатилган судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатлари ўтиб кетмаган бўлиши ёки Жиноят кодексининг 79-моддасида белгиланган тартибда судланганлик олиб ташланмаган бўлиши зарур. Масалан, шахс олдин

Жиноят кодекси 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жинояти (ҳаридор ёки буюртмачиларни алдаш) учун ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, мазкур жазони ижро этиш учун белгиланган уч йиллик муддат ўтмасдан ёки мазкур жазони ўтагандан сўнг бир йил ўтмасдан яна ўшбу модданинг биринчи қисмида кўра тутилган жиноятни содир қилса, унинг қилмишлари хавфли рецидив жиноят деб ҳисобланади ва Жиноят кодекси 187-моддасининг иккинчи қисми "А" банди билан квалификация қилинади.

Шахс содир қилган жиноятнинг хавфли рецидив жиноят деб топилиши уни хавфли рецидивист деб ҳисоблашга ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори мазмунига кўра шахсни хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида тергов идораларининг алоҳида қарор чиқариши ёки суд ҳукмининг резолютив қисмида алоҳида қарорнинг қабул қилинишига ҳожат йўқ. Шу сабабли бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишгирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши ва кейинчалик суд ҳукмининг тавсифловчи қисмида ўз аксини топиши лозим. Шундай қилиб, шахснинг олдинги қасддан содир қилган жинояти учун судланганлик муддати тугатилмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан ёхуд тайинланган жазони ижро этиш муддати ўтиб кетмасдан қасддан яна ўша жиноятга ўхшаш жиноятни ёки қонунда алоҳида

кўрсатилган ҳолларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг бошқа моддаларида назарда тутилган жиноятни содир қилиши уни автоматик равишда, ўз-ўзидан хавfli рецидивистга айлантиради.

Агар шахс олдинги қасддан содир қилган жиноятга ўхшаш жиноятни жазони ўташ вақтида содир қилса, унинг қасддан содир қилган кейинги жинояти рецидив жиноят деб баҳоланади ва суд унга жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 60-моддасида кўрсатилган қондаларни инобатга олади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, рецидив жиноятларга қарши кураш давлатимиз ички фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бу курашда жиноий-ҳуқуқий воситалар алоҳида ўрин тутаети ва улар жиноят ҳуқуқининг муайян нормаларида ўз ифодасини топади. Хавfli рецидив жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноят қонуни Махсус қисмининг қатор моддаларига киритилиши ана шу фикримизнинг яққол далилидир.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмининг 40 та моддаси тегинли жиноят таркибларининг баҳоланадиган зарурий белгиси сифатида “хавfli рецидивист томонидан содир этилган бўлса” деган, шу 40 та модданинг 13 таси эса “хавfli рецидивист томонидан...” деган жумладан ташқари яна “... ёки илгари ушбу кодекснинг... — моддаси (моддалари)да назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан” деган жумлаларни назарда тутаети. Бундан ташқари,

яна 6 та модда (Жиноят кодексининг 127, 270, 271, 273, 274 ва 276-моддалари)да “илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса” деган жумлалар жиноят таркибининг баҳоланадиган зарурий белгиси сифатида мустаҳкамланган. Юқорида зикр этилган 46 та модданинг 4 таси бўйича рецидив жиноят содир қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига мувофиқ ўта оғир жиноят деб тан олинса, 18 та жиноят таркиби бўйича оғир жиноят деб, 22 та жиноят таркиби бўйича эса унча оғир бўлмаган жиноят деб, фақатгина 2 та жиноят таркиби (Жиноят кодексининг 170-моддаси иккинчи қисми “А” банди ва 190-моддаси иккинчи қисми “А” банди) бўйича ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб тан олинади. Бу эса хавфли рецидив жиноятга қарши кураш жиноий репрессиянинг асосий йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради.

Оддий рецидив учун белгиланган жиноий-ҳуқуқий оқибатлар хавфли рецидив учун ҳам тааллуқлидир.

3. Рецидив жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси энг юқори бўлган шакли ўта хавфли рецидив жиноятдир. Жиноят кодекси 34-моддасининг учинчи қисмида ўта хавфли рецидив жиноятга таъриф берилган. Мазкур таърифга кўра ўта хавфли рецидив жиноятнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) Ўта хавфли рецидив оғир ёки ўта оғир жиноятлар бирикуви натижасида вужудга келади. Оғир ва ўта оғир жиноятлар тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасида берилган. Унга кўра, “Оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.”

Жиноят қонунини нормалари мазмунига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бирикуви ўта хавфли рецидивни ташкил қила олмайди;

2) қандай ҳолатларда оғир ва ўта оғир жиноятларнинг бирикуви ўта хавфли рецидивни вужудга келтириши мумкинлиги жиноят қонунида аниқ белгиланган. Бу ҳолатлар қуйидагилар:

— илгари ўта оғир (биринчи) жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан яна ўта оғир (иккинчи) жиноятнинг содир этилиши;

— илгари икки марта (биринчи ва иккинчи) оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга

озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир (учинчи) жиноятнинг содир этилиши;

— илгари иккита (биринчи ва иккинчи) оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ва уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилган шахс томонидан яна (учинчи) оғир жиноятнинг содир этилиши;

— илгари оғир (биринчи) жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, кейин ўта оғир (иккинчи) жинояти учун ҳам беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан оғир (учинчи) жиноятнинг содир этилиши;

— илгари ўта оғир (биринчи) жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, кейин оғир (иккинчи) жинояти учун ҳам беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан оғир (учинчи) жиноятнинг содир этилиши;

3) илгари содир қилинган жиноятларнинг ҳар бири учун шахснинг беш йилдан кам бўлмаган муддатга ҳукм қилинганлиги ва шахснинг қасддан содир қилган янги жинояти учун ҳам Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасининг санкциясида беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг назарда тутилганлиги;

4) шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлигининг инобатга олинмаслиги;

5) шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда Жиноят кодексининг 78-моддасига мувофиқ тугалланган судланганлик ҳолати ва Жиноят кодексининг 79-моддасида белгиланган тартибда олиб ташланган судланганликнинг инобатга олинмаслиги;

6) рецидивни вужудга келтирувчи жиноятларнинг фақатгина қасддан содир этилиши. Бунда қасд тушунчаси Жиноят кодексининг 21-моддаси асосида ҳал қилинади;

7) шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлигини ҳам ҳисобга олишнинг мумкинлиги;

8) шахснинг фақат суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкинлиги. Қонун мазмунига кўра суддан бошқа ҳеч бир идора шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиши мумкин эмас.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивистлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.



Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда, амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмининг йигирма учта моддасида тегишли жиноят таркибларининг зарурий белгиси сифатида “ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилса” деган жумла назарда тутилган. Ана шу моддаларнинг ўн олтитаси бўйича ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган қилмиш ўта оғир жиноят деб баҳоланса, учтаси бўйича оғир жиноят деб, яна тўрттаси бўйича эса унча оғир бўлмаган жиноят деб баҳоланади. Кўриниб турибдики, ўта хавfli рецидив жиноятларга қарши кураш жинoий репрессиянинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шахснинг ўта хавfli рецидивист деб топилиши жиноят қонунida кўрсатилган қатор ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Улар қуйидагилар:

а) ўта хавfli рецидивист томонидан жиноятнинг содир этилиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддаларida тегишли жиноятлар таркибларининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган;

б) ўта хавfli рецидивист деб тошилган эркаклар махсус режимдаги колонияларда, аёллар эса қаттиқ режимдаги колонияларда озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтайдилар (Жиноят кодексининг 50-моддаси тўртинчи қисми “Г” банди);

в) ўта хавfli рецидивистларга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муайян қисмини, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга, турмага қамаш

тариқасида тайинлаш мумкин (Жиноят кодексининг 50-моддасининг олтинчи қисми);

г) қонунда ўта хавfli рецидивистларни жинoий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш бўйича қатор чеклашлар назарда тутилган;

д) ўта хавfli рецидивистларга нисбатан судланганликнинг олиб ташланиши бўйича алоҳида тартиб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчиси рецидив жиноятларни алоҳида тоифаларга бўлар (таснифлар) экан, ҳар бир тоифадаги рецидив жиноятни қонунда белгиланган ҳуқуқий оқибатлар билан боғлаб қўяди.

“Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят учун жавобгарлик масалалари” бoби бўйича такрорлаш учун назорат саволлари:

1. Рецидив жиноятга таъриф беринг ва унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг?
2. Рецидив жиноятнинг қандай турлари бор?
3. Судланганликнинг рецидив жиноятларга қандай алоқаси бор?
4. Оддий рецидив жиноятнинг ҳуқуқий оқибатларини санаб беринг?
5. Оддий рецидив қандай жиноятларнинг бирикувидан ҳосил бўлади?
6. Хавfli рецидив жиноятга таъриф беринг ва унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг?

7. Хавфли рецидив жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

8. Хавфли рецидив қандай жиноятларнинг бирикувидан вужудга келади?

9. Ўта хавфли рецидив жиноятга таъриф беринг ва унинг ҳуқуқий белгиларини аниқланг?

10. Ўта хавфли рецидив жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

11. Ўта хавфли рецидив қандай жиноятларнинг бирикувидан вужудга келади?

12. Қандай ҳолатларда шахс ўта хавфли рецидивист деб топилади?

13. Жиноят кодекси 15-моддасида белгиланган жиноятлар таснифининг ўта хавфли рецидив жиноятларга қандай алоқаси бор?

14. Рецидив жиноятларни такроран содир этилган жиноятлардан фарқланг?


15. Рецидив жиноятларнинг жиноятлар мажмуидан фарқларини аниқланг?

## Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

1. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Т. 1998.
2. Жиноят кодексиға шарҳлар. Тошкент. "Адолат".1997.
3. Малков В.П. Совокупность преступлений. Издательство Казанского университета. 1974.
4. Малков В.П. Повторность преступлений. Издательство Казанского университета. 1970.
5. Яковлев А.М. Совокупность преступлений. М.1960.
6. Дагель П.С. Множественность преступлений. Владивосток.1969.
7. Фролов Е.А., Галиакбаров Р.Р. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного права. Свердловск. 1967.
8. Ткешелиадзе Г.Т. Ответственность при совокупности преступлений по советскому уголовному праву. Тбилиси. 1967.
9. Кудрявцев В.Н. Общая квалификация преступлений. М. 1972.
10. Никифоров А.С. Совокупность преступлений. М. 1965.
11. Уголовное право. Общая часть. Курс лекций. Лекция 3. Множественность преступлений. М. Изд-во "Норма". 1996.
12. Кафаров Т.М. Проблемы рецидива в советском уголовном праве. Баку.1970.
13. Красиков Ю.А. Множественность преступлений (понятие, виды, наказуемость). М. 1988.

14. Малков В.П. Множественность преступлений и ее формы по советскому уголовному праву. Казань. 1982.
15. Жиянов М.Х. Повторность преступлений по уголовному законодательству Республики Узбекистан. Фаргона Давлат Университети. Илмий хабарлар. 1996. 3-сон. 29-31 бетлар.
16. Жиянов М.Х. Узокда қўзилган жиноятларни такроран содир этилган жиноятлардан фарқлаш. Фаргона Давлат Университети. Илмий хабарлар. 1997. 1-2 сон. 37-39 бетлар.
17. Жиянов М.Х. Такроран жиноят содир этишнинг ҳуқуқий аҳамияти. Фаргона Давлат Университети. Илмий хабарлар. 1997. 1-2 сон. 144-145 бетлар.
18. Жиянов М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мураккаб ағона жиноят тушунчаси. Фаргона Давлат Университети. Илмий хабарлар. 1997. 3-4 сон. 30-32 бетлар.
19. Жиянов М.Х. Такрорли жиноятни давомлисидан фарқлаш. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси "Ҳуқуқ-Право" илмий-назарий юридик журнали. 1998. 1-сон. 43-45 бетлар.
20. Жиянов М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида жиноятлар мажмуи учун жавобгарлик масалалари. Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. 1998. 3-сон. 53-55 бетлар.

21. Жиянов М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида оддий рецидив жиноят учун жавобгарлик масалалари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали. 1998. 12-сон. 79-81 бетлар.
22. Жиянов М.Х. Классификация преступлений и её правовое значение. Фарғона Давлат Университети. Илмий хабарлар. 1995. 1-2 сон. 35-37 бетлар.
23. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида хавфли рецидив жиноят учун жавобгарлик масалалари. Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. 2001.3- 4- сон. 68-70 бет.
24. “Такроран жиноят содир этишнинг ҳуқуқий аҳамияти”. Конституция ва инсон манфаатлари (Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари). Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги академияси. 1997 йил. 233-236 бетлар.



## Мундарижа

Муқаддима .....	3
I боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масалалари .....	5
II боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида мураккаб ягона жиноят тушунчаси ва турлари .....	20
III боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида такроран жиноят содир этганлик учун жавобгарлик масалалари .....	53
IV боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида жиноятлар мажмуи учун жавобгарлик масалалари .....	72
V боб. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят учун жавобгарлик масалалари .....	106
Тавсия этилаётган адабиётлар рўйҳати .....	123





